



2026 йил 23 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари ва турли объектлар фаолияти билан танишди.

Ташриф асносида «Ҳар бир кўча учун камида беш йиллик мастер режа ишлаб чиқиш зарур. Кеча Швейцариянинг Давос шаҳрида бинолар сақланган ҳолда, шаҳар муҳити шароитида мос равишда ривожлантирилаётганини кўрдим. Биз ҳам Эски шаҳарни асраб-авайлашимиз, янада ривожлантиришимиз шарт. Шу мақсадда алоҳида «Эски шаҳар» дастурини ишлаб чиқиш зарур», – деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу QR код орқали ташриф тафсилотлари билан батафсил танишинг:



2026 йил 23 январь куни давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги асосий вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш давомида Президентимиз мавжуд имкониятларни ишга солиш бўйича ҳокимлар ва «маҳалла еттичилиги»га методик билим ва тажриба етишмаётгани, масъул вазирлик ва идоралар эса уларга кўмаклашмаётганини кўрсатиб ўтди.

«Умуман, бу йил ҳар бир вазирлик ва ҳокимликнинг фаолияти маҳалла билан боғланади, қабул қилинадиган қарорларда ҳам маҳаллада нима ўзгариши назарда тутилади», деди Президентимиз.

Йиғилишда 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингга етказиш, ишсизлик ва камбағалликни 4,5 фоизга тушириш жорий йил учун вазифа этиб белгиланди.

Қуйидаги QR кодни сканерланг ва видеоселектор йиғилиши тафсилотлари билан батафсил танишинг:



ЮКСАК МАПРАЛАР САРИ



«UZBEKISTAN AQUATICS» ФЕДЕРАЦИЯСИНING ХИСОБОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ОЛИМПИА КЎМИТАСИ, «UZBEKISTAN AQUATICS» ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИ, МАСЪУЛЛАРИ, БОШ МУРАББИЙЛАР, ОНЛАЙН ФОРМАТДА ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ХУДУДЛАРДАГИ БОШ МУРАББИЙЛАР ВА СПОРТЧИЛАР ҲАМДА СПОРТ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.



«Uzbekistan Aquatics» федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов давлатимиз раҳбари, Миллий олимпия кўмитаси раиси Шавкат Мирзиёевнинг спортга қаратаётган катта эътибори натижасида эришилаётган ютуқлар, айниқса, 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг мазмун-моҳияти, «Янги Ўзбекистон» массивида бунёд этилган Олимпия шаҳарчаси, у ерда жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган алоҳида бассейни қурилиб, сув спорти билан шугулланувчилар учун барча шароитлар яратилгани, бугунги кунда терма жамоалар ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаятгани, уларга қўйилаётган талаблар тўғрисида тўхталди.

– Катта фидойилик ва интизом, ўзини тутта билиш, матонат ва сабр-тоқат, жамоада ишлаш ва қарор қабул қилиш қобилияти, ўз ҳаракатлари ва эришилган натижалари учун юқори масъулият – бу кучли характер, қатъият ва ўзига ишончни шакллантиради. Давлат байроғини жаҳон сахнасида баланд ва шараф билан кўтариб юрадиган, ўз ватани обрўсини оширадиган спортчиларимизда айнан шу фазилатларни ривожлантиришимиз керак, – деди Қудратилла Рафиқов.

Ўтган йили амалга оширилган ишлар якунлари сарҳисоб қилинган конференция-

да босиб ўтилган йўл ҳолисона баҳолашиб, келгуси ривожланиш режалари белгиланди. Сув спорти бўйича олтин, кумуш, бронза медалларга сазовор бўлганлар ҳақида сўз юритилиб, бу ҳам давлатимиз раҳбарининг спортга алоҳида эътиборининг самараси экани қайд этилди. Келгусидаги нуфузли мусобақаларга тайёргарлик кўриш, спортчиларни жаҳон талаблари асосида тайёрлаш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш бўйича барча шароитлар мавжудлиги, бундан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Стратегик вазифалар конференция қарорлари билан белгилаб олинди.

Анжуманда, шунингдек, Бутунжаҳон сузиш федерацияси (World Aquatics) Ижроия бюроси йиғилиши 24 январь куни Тошкентда ўтказилиши, унда бюро аъзолари, халқаро спорт усталари, нуфузли меҳмонлар иштирок этиши юртимизда сув спортига қаратилган эътиборга халқаро доирадаги муносабат қай даражада эканлигидан далолат бериши айtilди.

Шундан сўнг сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш ва сув полоси бўйича Ўзбекистон терма жамоалари бош мураббийларининг ўтган йилги фаолиятга ҳамда бўлажак халқаро мусобақаларга тайёргарликка оид ҳисоботлари тингланди.

>>> 5



Тинчлик кенгаши:

ЎЗБЕКИСТОН – КУЗАТУВЧИ ЭМАС, ҲАММУАЛЛИФ

ёҳуд мамлакатимизнинг янги ташқи сиёсий танлови хусусида

Ўзбекистон айнан шу йўлни – дунёда кечаётган глобал жараёнларда фаол иштирок этиш ҳамда масъулиятнинг бир қисmini ўз зиммасига олиш йўлини танлади. Ва айнан шу мезонлар бўйича баҳоланса, Ўзбекистоннинг бугунги танлови нафақат ҳозирги, балки келгуси халқаро сиёсатдаги ижобий ўзгаришларга ҳам муносиб ҳисса қўша, ажаб эмас.

4-саҳифада ўқинг

ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЎЗИМИЗ БУНЁД ЭТАЁТТАН ОРЗУЛАР ШАҲРИ



2-3-саҳифаларда ўқинг

Сўз – қурувчиларга!

Ўз ватанингда ишлаганингга не етсин?!



Шерзод ИБАЕВ,
иш бошқарувчи:

– Кўп йиллар Россияда оддий ишчи бўлиб ишлаганман. Ўша вақтда турк компаниясида ишлаганим сабаб, турк тилини ўрганиб олгандим. Кейин юртга қайтиб, қишлоғимизда устачилик қила бошладим. Бир куни ўша турк компаниясида ишлаган танишим телефон қилиб қолди: «Юртингизда меҳмонхона қураймиз, келинг, биз билан ишланг». Ўшандан буён шу компания жамоасидаман. Тил билганим кўл келиб, аввал таржимонлик қилдим, ҳозир иш бошқарувчиман.

Қурилишдаги йигитларнинг 80 фоизи олдин хорижда меҳнат қилган. Улар ҳозир бу ерда ишлаётганликларидан мамнун. Вақтида маош оляпмиз, иш ва дам олиш шароитларимиз яхши. Байрам ва дам олиш кунларида яқинларимизни қуриб келишга имкон бор. Ўз Ватанингда ишлаганингга не етсин?!

Ҳавас билан бунёд этяпмиз



Тургун АХМАТОВ,
«Uzgivep» қурилиш
компанияси бош муҳандиси:

– Бир вақтлар Қозоғистонга борганимда, Остона шаҳрига ҳавас қилгандим. Қўрам, замонавий, қулай.

Мана, энди ўзимизда ҳам шундай шаҳар бунёд этилмоқда. Унинг қурилишига ҳиссам қўшилаётганидан хурсандман. Жамоамиз билан барча иншоотларни энг сўнги технологияларни қўлаган ҳолда, мустақкам, дунё стандартларига жавоб берадиган қилиб бунёд этишга бел боғлаганимиз. Чунки бу ерда ўзимиз, фарзандларимиз, ака-ука, опа-сингилларимиз яшайди, ўқийди, ишлайди.

Биз, албатта, уддалаймиз!



Шаҳзодбек ИБРАГИМОВ,
меҳнат муҳофазаси
бўйича масъул:

– Мен ҳам хорижда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис бўлиб ишлаганман, катта-катта қурилишларда меҳнат қилиб тажриба орттирганман. Бугун ўша тажрибаларим Ватаним учун улкан лойиҳа қурилишида асқатмоқда.

Ўзбекистонимиз ҳам ҳар томонлама ривожланыпти, спортда, илм-фанда кўплаб ютуқларга эришяпти. Энди шаҳарсозликда ҳам нималарга қодирлигимизни кўрсатишимиз керак. Самарқанд, Бухоро, Хоразмдаги тарихий биноларимиз бу соҳада ҳам бизнинг ажодларимиз беназир бўлишганини исботлайди. Демак, ҳаракат қилсак, албатта, уддалаймиз, уддалаяпмиз ҳам.

Бўлажак шаҳар кўз ўнгимизда



Бунёд МАВЛОНБЕРДИЕВ,
қурувчи:

– 29 ёшдаман. Хоразмдан келганман, икки нафар фарзандим бор. Укам шу ерда ишларди, мени ҳам чақирди. 2023 йилда бу ерлар экинзор далалар эди. Мана, кўз ўнгимизда шаҳар қад ростлаяпти. Қутубхона, университет, тураржойлар, кўплаб ижтимоий объектлар қуриляпти. Баъзида бўлажак шаҳарни кўз олдимга келтираман: ҳамма ишхоналар ходимлар билан тўла, уйларда одамлар яшамокда.

Бу оддий эмас, балки келажақ шаҳри – чиройли, шинам дунё билан бўйлашган замонавий шаҳар бўлади. Ҳадемай бу жойлар ҳамма интиладиган йирик мегаполисга айланади. Тасавуригимиз амалга ошишига оз фурсат қолди.

ЯНГИ ТОШКЕНТ



И қинда пойтахтимизнинг шарқий қисмида, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳудудида «Янги Тошкент» лойиҳаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Қурилиш ҳақида рақамлар, режалар ва муддатлар кўп айтиляпти. Лекин жойига чиқиб кўрмасдан туриб, бу ердаги ҳақиқий муҳитни ҳис қилиш мушкул. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деб бекиз айтишмаган, ахир.

Худудга кирган заҳотиёқ у оддий қурилиш майдони эмас, балки улкан мақсадлар, узокни кўзлаган режалар мақони эканини англадик. Лойиҳага ёш ва билимли кадрлар жалб этилгани, «Энг зўри бўлиши керак», деган мақсад ортидан ҳамма бор салоҳиятини ишга солаётганини кўриб, янги шаҳарни ишчилар эмас, уларнинг орзулари бунёд этилти, деган хулосага келдик.

2025 йилнинг 30 декабрь куни Президентимиз Янги Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида: **«Кечаги билим билан бутун катта натижаларга эришиш қийин. Бунинг учун ҳар куни изланиш, аниқ фанлар, хусусан, ахборот технологияларини яхши ўрганиш керак, бу қурилиш соҳасида ҳам жуда муҳим»**, деган эди ёшларга қарага.

Дарҳақиқат, қурилиш-архитектура соҳаси бутун шиддат билан ривожланмоқда. Худудда олиб борилаётган ишларга эса соҳанинг энг билимдонлари жалб қилинган. Кўзимиз тушган ҳар бир иншоот лойиҳасига креатив ёндашилган. Улар алоҳида-алоҳида эмас, балки улкан шаҳар тизимининг бир бўлаги сифатида барпо этилмоқда. Ҳадемай бу жойлар йирик мега шаҳарга айланади. Бунни тушунишингиз учун Янги Тошкентни таништириш чоғида ҳамроҳлик қилган ёш иқтисодчи, Хитойда ва Тошкентда магистратурани тугатган, инглиз, рус, хитой тилларини мукамал эгаллаган Шохрух Очловнинг келтирган оддий мисолини сизга ҳам айтсам.

Яхши биладиганимиз, кўп борганимиз – «Тошкент Сити»ни олайлик. У 100 гектар ҳудудда жойлашган. Янги Тошкент худуди эса 19 минг 700 гектар майдонга эга. Шаҳар қурилиши уч босқичда амалга оширилади. Ҳозир биринчи босқичда 6 минг гектар майдонда бунёдкорлик ишлари кетмоқда. 2023 йилда тамал тоши қўйилган Янги Ўзбекистон университети, Алишер Навоий номидаги миллий

кутубхона, Тошкент давлат педагогика университетининг кампуслари, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий мақом маркази, шунингдек, «Шарқ баҳори» тураржой мажмуасида иш қизгин. Хусусан, «Шарқ баҳори»даги 13 мингта хонадондан иборат 260 та кўп қаватли уйнинг 60-70 фоизи битиб қолган.

Шу ўринда беихтиёр Янги Тошкент ташаббускори Президентимизнинг 2024 йил 3 апрель куни шаҳардаги илк иншоотлар қурилишини бошлаш маросимида айтган қуйидаги гаплари ёдга тушди: **«Янги шаҳар қурилиши илм-фан, маънавият масканларидан бошланаётгани бекиз эмас. Булар матрифатли жамият барпо этиш гоямизининг асоси ва намунаси бўлади»**.

Янги Тошкентда жами 600 га яқин лойиҳа бўлиб, уларнинг 120 тасида қурилиш ишлари бошланган. Масалан, тилга олганимиз «Шарқ баҳори» мажмуасининг ўзи битта лойиҳа. Энди ана шу лойиҳа 260 та кўп қаватли уйни ўз ичига олишини ҳисобга олиб, айни пайтда кўтарилаётган 120 та лойиҳа-ю, жами 600 га яқин мажмуалар комплекси бўлишини тасаввур қилверинг. Биноларнинг ҳар бири битиб, навбат билан ишга тушаверар экан, улар мамлакатимиз иқтисодиётига қўшимча қиймат бўлиб қўшилаваради.

Биринчи босқичнинг топширилиши 2032 йилга белгиланган. Учинчи босқич 2052 йилда якунига етиши мўлжалланмоқда. Аммо бу ўша йиллардагина меҳнат фаолияти учун муҳит, яшаш шароитлари тайёр бўлади, дегани эмас. Масалан, «Шарқ баҳори» тураржой мажмуасидаги 9 ва 11 қаватли уйлар 100 фоиз кўтарилиб, том қисми ёпиб бўлинган. Фақат ички қисмида таъмирлаш, пардоз ишлари кетмоқда. Унинг савдо офисида уй олишга қизиқиб, нарх-навоси ҳамда шароитларини суриштириб келган юртдошларимизни учратдик. Шу йилнинг ўзида уй олганлар унга кириб, яшашлари мумкин бўлади.

II

Шу аснода кўпчиликнинг дилидан «Бизга қурилишлардан кўра, завод-фабрикалар ташкил этиб, махсулот ишлаб чиқарганимиз фойдали эмасми?» деган ўй ўтиши мумкин.

Тарихга мурожаат қилсак, ушбу саволга кўп жавоб топшиш мумкин. Улардан

бири Германия. Бу мамлакат Иккинчи жаҳон урушидан мислсиз талафотлар билан чиқди. Завод-фабрикалари ва тураржойлар яқсон бўлди. Янги ҳукумат мамлакат зиёлилари ва билимдон тоифасини йиғиб, «Қандай йўл тутсак, ривожланамиз? Аммо маблагимиз кам...», деган масалани кўтарди. Жуда кўп меҳнатдорлар, лойиҳалар кўриб чиқилди, аммо шаҳарни қайта бунёд этиш ва шу тарихда барча соҳани ҳаракатга келтириш мумкинлиги ҳисобга олиниб, қурилиш – яратувчилик ишлари бошланди. Натижада 5 йилдан сўнг одамлар яшайдиган уйлар, ишхоналар, хизмат кўрсатиш объектлари пайдо бўлди, янги иш ўринлари яратилди. Қурилишда энг қуйи қатлам иш билан таъминланди, оиласини боқди. Ўрта қатлам билим ва иқтидорини ишга солиб, яратилган ресурслардан оқилона фойдаланди. Кичик ва ўрта бизнес, технология ривожланди. Йўл-йўлакай ишлаб чиқариш маҳаллийлашиб борди. Бир сўз билан айтганда, Германиянинг ривожланиши шу тариқа бошланди.

Қозоғистонда Остона, БААда Дубай, Хитойда Шэньжэн, Жанубий Кореяда Сондо шаҳарлари ҳам ана шундай келажакни ўйлаб амалга оширилган йирик қурилиш лойиҳалари бўлиб, бугунги кунда улар дунёнинг туризм ва бизнес марказларига айланиб улгурган.

Шундан келиб чиқиб айтсак, қурилиш бизнинг юртимизда ҳам кўплаб соҳаларга драйвер бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда 10 минг нафар ишчи Янги Тошкент қурилишида қатнашаётгани, келгусида эса яратилган объектларда минглаб доимий иш ўринлари пайдо бўлиши, одамлар ялашиш учун уй-жой, мактаб, боғча, шифохоналар қад ростлаётгани, транспорт инфратузилмаси яратилаётгани кўзланган мақсадларнинг бир қисми, холос.

Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, мазкур бунёдкорлик ишлаб чиқаришни жонлантириб, инвестицияларни жалб этмоқда ва бозор муносабатларини ривожлантирмоқда. Ҳар бир қурилган иншоот иқтисодий ўсиш санжирисида янги бўгин бўлиб, қўшимча қиймат олиб келади. Кимдир янги иш ўрнига, тадбиркор ўз бизнесига эга бўлади. Давлатга солиқ тушади. Хомашё яратилса, бозорда рақобат ранг-баранглиги, агар хизмат кўрсатиш объекти бўлса, тизимда янги бир имконият юзага келади. Шу тариқа иқтисодий барқарорлик томон ўсиб бораверамиз.

III

Биз танишган навбатдаги объект Янги Ўзбекистон университети ва Миллий кутубхонанинг қурилиш майдонлари бўлди. Лойиҳаларни аукцион орқали ютиб олган қурилиш компаниялари орасида маҳаллийлари ҳам, Туркия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликларига тегишлилари ҳам бор. Масалан, 50 гектарлик Янги Ўзбекистон университети кампуси қурилишини «Uzgivep» турк компанияси ютиб олган. Аммо турк компаниясининг иш юритувчисидаан тортиб, оддий ишчиси-сигача – барча-барчаси ўзимизнинг қорақўз йигитлар. Иш бошқарувчи Шерзод Ибаевнинг айтишича, меҳнат қилаётган йигитларнинг 80 фоизи олдин Россияда ишлаган. Янги Тошкентдаги қурилишга чорловларни эшитиб, олис юртдаги соғинчнинг сариқ кийимларини ўша ўлкаларга ташлаб келган, бугун ризқини она юртимизда топппти.

Бир томонда кранлар кўтарилиб, техникалар тинмасдан ишляпти. Ишчилар ўз вазифасини астойдил бажармоқда. Бош муҳандис Аҳмад Турғуновнинг айтишича, бино қурилишига шундай юқори талаб қўйилган. Бунни биноларга боққаннингизда ҳам ҳис этасиз, салобати, мустақамлиги ва сифати шундоқ қўриниб турибди. Асрларга, керак бўлса, минг йилларга бардош берадиган иншоотлар бўлмоқда. Қурувчиларнинг ишга ҳафсаласини кўриб, бир нарсга ҳаёлимизга келди: бу ерда фақат темир-бетон кўтарилаётгани йўқ. **Бу ерда оддий халқнинг умиди, эртанги кунга ишончи, давлатнинг катта мақсади қад ростлаяпти.** Бунни эса лойиҳада ишлаётган ҳар бир ўғлон англамоқда.

Мажмуа таркибида 10 минг талабага мўлжалланган 5 та факультет, ректорат, минг ўриндан ортиқ жойга эга кутубхона, музей, кўргазмалар зали, мултимедиа хоналари барпо этилади. Шунингдек, талабалар учун минг ўринли спорт мажмуаси ва сузиш ҳавзаси, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган 2 минг ўринли ётоқхоналар ҳамда ошхоналар қурилади.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан келган қурувчи Шукуржон Фозилов бир пайтлар хорижда мусофирчиликда ёзган шеърларидан бирини ўқиб берди. Сўзининг якунида Янги Ўзбекистон университети қурилишига ҳисса қўшаётганини мамнуният билан таъкидлади.



ЎЗИМИЗ БУНЁД ЭТАЁТТАН ОРЗУЛАР ШАҲРИ



IV
Янги Тошкентда босқичма-босқич барпо этиладиган 500-600 та лойиҳадан бири 300 метрлик фаввора бўлса, яна бири баландлиги 600 метрлик иморатдир. Улар келгусида дунёдаги энг баланд топ 10 таликка кирувчи иншоотлар сафига қўйилади. Ҳамроҳимиз Шохруҳ Очиловнинг айтишича, аини пайтда уларни қуриш учун танлов жараёnlари кетмоқда. Давъогар инвесторлар орасида Хитой, БАА, ўзимизнинг маҳаллий компаниялар ва Туркия вакиллари бор. Мазкур иншоотлар қуриб битказилгач, Марказий Осиёда ягона бўлади. Жумладан, минглаб бинолар орасидан қўриниб турувчи 600 метрлик Tower Ўзбекистоннинг дунёга ўз овозини айтгаётгани, 200 дан ортиқ давлатлар орасида йўлини топгани, халқимизнинг эртанги кунга ишончи ва қатъий иродасига ишора беради.

Фаввора эса дунёга очилаётган юртимиз рамзи бўлиб, у шаҳарни янада танитади, туризм минтақаси сифатида меҳмонларни, сайёҳларни чорлайди. Шу тариқа Янги Тошкент фақатгина ишлаш ва яшаш учун яратилган шаҳар эмас, балки дам олиш, маданий хордиқ чиқаришга мўлжалланган сўлим ва гўзал маскан сифатида ҳам намоён бўлади. Икки ноёб иморат биргаликда дунё харитасида Ўзбекистонни янада машхур қилиб, ички ва ташқи сайёҳлар оқимини оширади. Натижада шаҳар иқтисодиёти жонланиб, хизматлар бозори кенгайди.

Дарвоқе, улардан узок бўлмаган ҳудудда йирик бизнес марказлари ва санъат саройи, Бахшчилик маркази, 55 минг ўринли Марказий Осиёдаги энг катта стадион, 30, 50 қаватли иккита 5 юлдузли меҳмонхона, Хитой, Ар-Риёд, Истанбул, Москва, Санкт-Петербург, Остона ва Озарбайжон кўчалари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бирида ўша шаҳарлар анъаналарига хос қўп қаватли уйлар қурилади. Бу юртдошларимиз ва меҳмонларга қардош мамлакатлар муҳитини тақдим этади. Бахшчилик маркази биноси ҳам ажойиб лойиҳаланган. Унинг муаллифи асли ироқлик, ҳозир АҚШда яшаётган араб лойиҳачиси, Майами, Пекин, Милан ва Дубай шаҳарларидаги энг машхур иморатлар меъмори Заха Хадид хоним экан.

V
Янги Тошкент 2-2,5 млн. аҳоли яшаш учун мўлжалланмоқда. Эътиборли жиҳати, қурилишларнинг катта қисми инвесторлар ҳисобидан амалга ошириляпти. Натижада улкан бунёдкорлик давлат гарданида қолиб кетаётгани йўқ. Бу ерга қизикаётган маҳаллий ва хорижлик инвесторлар қўп. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги замонавий иқтисодиётнинг энг тўғри модели эканини ҳисобга олсак, бу ўринда Ўзбекистон ҳам ушбу моделни самарали қўлламоқда.

Бўлажак шаҳар эски Тошкентнинг чинакам давоми бўлишини назарда тутсак, пойтахт майдони анча кенгайди. Пойтахт-

ни ҳеч ким инкор қилмайди, уни барчамиз севамиз, қадрлаймиз. Янги Тошкентдаги бунёдкорлик, инфратузилма маромига етиб борар экан, азим Тошкент «енгил нафас олади», тирбандлик камаяди, инфратузилма енгиллашади. Бу барчамизни қувонтиради.

Яна бир муҳим маълумот. Келажак шаҳарнинг 30 фоизи яшилликдан иборат бўлади. Биринчи босқичда трамвай ва бир томони «Авиасозлар», иккинчи томони

“Бу ердаги ҳар бир лойиҳа келажакни ўйлаб режалаштирилган. Яшил ҳудудларга устуворлик берилиши, қуёш энергиясидан фойдаланиш, транспорт муаммоларини олдиндан ҳал қилишга қаратилган ёндашувлар шунни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон бу улкан шаҳарни бунёд этишга ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, келгусида аҳоли кўпайишини ўйлаган ҳолда, улар муносиб турмуш шароитида яшаш, ишлаши ва дам олишини ўйлаб қўл урган.”

«Роҳат» метроси бекатлари билан боғланувчи метро линияси қурилиши ҳам бошланади. Кейинчалик 200 гектарлик Диснейленд, шаҳарнинг ўртасидан ўтувчи сунтий қўл, 2-3 қаватли ҳовлилар ҳам қурилади.

VI
Шаҳардаги ҳеч бир бинода табиий газ қўлланилмайди. У тўлиқ электр энергияси билан ишлайди. Бунинг учун Хитой компанияси катта «уч-генерация» технологиясини ишга туширади. Ҳозир иншоот жадал қуриломоқда. У ерда ишлаб чиқарилган электр энергияси кичик станцияларга узатилади ва улар бутун биноларнинг иситиш ҳамда совитиш тизимини таъминлаб беради. Натижада хонадонларга кондиционер ўрнатишга ҳам ҳожаат қолмайди.

Электр билан таъминлаш учун эса подстанциялар эмас, нимстанциялар қурилади. Уларнинг афзаллиги шундаки, қайсидир бинода авария ҳолати юз берганида, шаҳарнинг йирик бир қисмида эмас, фақат биргина биносида узилиш бўлиши мумкин ва бу муаммо ечимини анча осонлаштиради. Биринчи нимстанция қуввати 100 мегаваттга тенг бўлиб, Янги Тошкентнинг дастлабки босқичдаги эҳтиёжларини таъминлайди. Лойиҳа Хитойнинг «Haoscheng Industry Group Limited» компанияси иштирокида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, ушбу объект Ўзбекистондаги биринчи ёпиқ турдаги нимстанция ҳисобланади. Бундай типдаги иншоотлар анъанавий очиқ нимстанцияларга нисбатан бир қатор устунликларга эга. Аввало, улар шаҳар ичидagi муҳитга мос лойиҳаланган ва ҳудуд архитектура қиёфасини бузмасдан жойлаштиради. Шунингдек, уларнинг шовқин даражаси анъанавийларига қараганда икки баравар паст бўлади. Бундан ташқари, очиқ турдаги иншоотларга нисбатан уч баробар кам майдон талаб қилади. Бу қурилатган Янги Тошкент каби мураккаб муҳандислик концепциясига эга шаҳарда жуда катта афзаллик ҳисобланади.

Биноларнинг том қисмлари тўлиқ қуёш панеллари билан қопланади. Аҳоли шахсий

транспорт воситаларини сақлаши учун уйларнинг ва ташкилотларнинг ер ости қисмларида автотураргоҳлар ташкил этилади.

VII
2023 йил лойиҳа ишга тушаётган пайтда Президентимиз «Янги Тошкентда уй-жой, транспорт, ишхона, маданият, спорт ва таълим объектиларини қамраб олган замонавий урбанизация ва илмий ёндашувлар асосида юртимизда илк бор «аккли» технологиялар жорий этилади, экологик транспорт тизими ташкил этилади, метро ва автобуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. Пнёдалар ва велоспедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қўлай шароит яратилиб, автомобиль қатнови учун 14 та замонавий туннель ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади», деганди. Бугун ана шу лойиҳаларнинг аксариятида иш кетмоқда. Қолганларида инвесторларни танлаш жараёни бошланган. Жумладан, пойтахт ва Янги Тошкентни боғловчи кўприк ҳамда метро бекати билан бирлаштирилган автотураргоҳда иш қизғин. Янги кўприк Тошкент ва Янги Тошкентни боғлайди ва бир суткада 40-50 мингта автотранспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади. Бунёдкорлик ишлари 2025 йил охирида бошланган бўлиб, аини кезларда

лойиҳанинг дастлабки қисми амалга оширилмоқда.

Қурилишда атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинмоқда. Соҳил ҳудудлари кўкаламзорлаштирилиб, энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилади, пнёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади. Шунингдек, кўприк орқали икки тасмали трамвай йўли ётқизишли режалаштирилган.

Янги Тошкентни пойтахт билан боғлайдиган бўлажак метро линияси узунлиги 21 километрни ташкил этиб, 9 та замонавий бекатни ўз ичига олади. У кунига 230 минг йўловчига хизмат кўрсатади. Линия пойтахт метросининг мавжуд тармоқлари билан тўлиқ интеграция қилинади, бу эса йўловчилар учун ягона ва узлуксиз транспорт тизимини шакллантиради. Метро бекати билан интеграциялашган автотураргоҳ 20 минг квадрат метр майдонда барпо этилиб, унда автомобиллар, пнёдалар ва жамоат транспорт ҳаракати аниқ ажратилиб, хавфсизлик ва функционалликка устувор аҳамият берилади. Ҳозир ҳудудда ер тайёрлаш ва бетон қуйиш ишлари олиб борилмоқда. Мажмуа 2027 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Кунни бўйи юриб, бўлажак мегашаҳарнинг бир қисмини айланишга улгурдик, холос. Таассуротларимиз эса бир олам. Қўнглимиздан Амир Темур бобомизнинг «Бизнинг қудратимизга...» дея бошланувчи машхур сўзлари ўтди-ю, беихтиёр «Ўзбекистонга баҳо бермоқчи бўсангиз, Янги Тошкентдаги қурилишларга назар солинг! Нималарга қодирлигимизни кўринг!», деб юбордик.

Ҳа, Янги Тошкент шунчаки қурилишлар майдони эмас, давлатнинг, унинг раҳбарининг узокни кўра олиши, халқ манфаатини ўйлаб қилинган қарорларининг ифодасидир.

Бу ердаги ҳар бир лойиҳа келажакни ўйлаб режалаштирилган. Яшил ҳудудларга устуворлик берилиши, қуёш энергиясидан фойдаланиш, транспорт муаммоларини олдиндан ҳал қилишга қаратилган ёндашувлар шунни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон бу улкан шаҳарни бунёд этишга ўзини кўз-кўз қилиш учун эмас, келгусида аҳоли кўпайишини ўйлаган ҳолда, улар муносиб турмуш шароитида яшаш, ишлаши ва дам олишини ўйлаб қўл урган.

Бундай катта лойиҳа мустаҳкам инфратузилмани талаб қилгани боис 2052 йилгача давом этиши белгиланган. Аммо бу ердаги шукҳу, тезкорлик ва шижоат белгиланган ишлар муддатидан олдинроқ амалга оширилишини кўрсатмоқда. Демак, Президентимиз ташаббуси, халқ истаги ва иродаси билан бунёд этилаётган Янги Тошкент яқин йилларда юртдошларимиз учун янги имкониятлар шаҳри сифатида эшикларини очади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОКОВА
олган суратлар

Ҳар қандай одамни хурсанд қилади



Тўрабой МАМАТРИЗАЕВ,
электрик:

– Асли қорақалпоғистонликман. Ёшим – 59 да. Оилам билан Тошкентда яшаймиз. 4 нафар фарзандим бор, ҳаммаси ўқимишли, уйли-жойли. Пойтахтдаги кўпгина йирик қурилишларда ишлаганман. Ҳозирги шаҳар жуда гавжум, аҳолиси кўп. Келгусида Янги Тошкент унинг «юки»ни, бироз бўлса-да, енгиллатади. Манбаларда ўқиганман, бир кунда пойтахтга 1 миллионга яқин одам келиб-кетаркан. Бунча меҳмонни кутиб олиш, уларга автотураргоҳ, меҳмонхона ёки тураржой топиш осон эмас. Шу маънода Янги Тошкент вақтида қуриляпти, деб ўйлайман.

Дарвоқе, яқинда янги йил арафасида 4 йил деганда Қорақалпоғистонга – Мангитга бордим. Янги уйлар, поезд йўли қурилибди. Кўчалар янгиланган, ижтимоий объектлар кўпайган, хуллас, ўзгаришлар катта, танимай қолдим. Демак, фақат Тошкент атрофида эмас, юртимизнинг ҳамма жойида ободлик, яратувчанлик ишлари кетмоқда. Албатта, бу ҳар қандай одамни хурсанд қилади.

Ўзгача ёндашув билан қурилмоқда



Ғиёс ЖЎРАҚУЛОВ,
бурзулаш устаси:

– Қўп биноларда ишлаганмиз. Аммо Янги Тошкентдаги лойиҳамизнинг ўзига хослиги – тарихда қоладиган маърифий маскан – кутубхона қуриямиз. Фарзандларим ҳали ёш, мактабда ўқишади. Насиб қилса, университетларга ўқишга кирсалар, шу ерларга келиб китоб мутлола қилишади, деган умиддаман. Сабаби, кутубхоначиликдаги энг сўнги қўлайликлар ва технология қўлланилмоқда. Китобларни яхши сақлаш учун ҳар бир хонанинг ҳарорати, намлиги назоратда бўлади. Шу пайтгача Ўзбекистонда бўлмаган осма лифт ишлатилади. Яъни, сиз уйингиздан туриб, китобларни буюртма қиласиз, кутубхонага келганингизда уни осма лифт ўзи сизга тайёрлаб олиб чиқади. Қутиб вақт йўқотмасиз. Хуллас, бу маскан ўзгача ёндашув билан қурилмоқда.

Мақсадларим қатъийлашди



Сарвар ИСМАТОВ,
бетон кесувчи уста:

– Тўғрисини айтсам, чет элдан қолишмайдиган бинолар қурилаётганини кўриб, ҳаёлимдан «Эҳ, вақтида яхши ўқиганимда шу биноларда ўтириб ишлайдиган мутахассис бўлардим», деган фикр ўтаятти. Чунки барча бинолар бир-биридан ноёб лойиҳа асосида қурилмоқда. Истиши-совутиш тизими, электр таъминоти энг сўнги технологияларга асосланган. Малакали кадрлар юқори техник қўлайликка эга ишнам хоналарда ишлашади.

Келгусида бу ерда яшайдиганларга ҳам, ишлайдиганларга ҳам ҳавасдаман. Ҳўнаримни пуста ўранишини, фарзандларимни билимли инсонлар қилиб тарбиялашни мақсад қилганман.

«Бу ерни бобом қурган» дейишса...



Тожиали МАДУМАРОВ,
монтажчи уста:

– Вазифам – қурилишдаги металл конструкцияларни пайвандлаш. 42 йилдан буён шу касб билан шуғулланиб келаман. 12 йилдан буён катта лойиҳаларда ишлайман. Ҳўнаринг бўлса, пенсия ёшида ҳам керакли бўларканан. 10,5 миллион сўм маош олятман. Бундай эзгу ва хайри ишларга ҳисса қўиши nasib қилганидан хурсандман. Албатта, бу менга шу юрт фуқароси сифатида фахр ҳиссини ҳам беради. Келажакда набириларим, фарзандларим «Бу ерни бобом қурган» дейишса, мендан бахтли одам бўлмайди...



Қуйидаги QR кодни сканер қилинг ва
сиёсатшунос Содиқ Сафоевнинг
Янги Тошкент қурилишига оид
фикрлари билан «Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифасида танишинг:



Бирлашиш бошланишдир, бирликка эришиш тараққиётдир,
бирликда ишлаш муваффақиятдир.

Америка мақоли

Шарҳ

Тинчлик кенгаши: ЎЗБЕКИСТОН – КУЗАТУВЧИ ЭМАС, ҲАММУАЛЛИФ

ёхуд мамлакатимизнинг янги ташқи сиёсий танлови хусусида

Давос учрашувлари – тинчлик ва фаровонлик учун муҳим мулоқотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 январь куни Давос шаҳрида АҚШ Президенти Дональд Трамп ташаббуси билан ташкил этилаётган Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этиш, шунингдек, қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиш мақсадида Цюрих шаҳрига келди. Давлатимиз раҳбарини Цюрих халқаро аэропортида Бирлашган савдо-саноат палатаси раҳбари Дорит Пробст кутиб олди.

Президентимиз амалий ташриф доирасида дунёнинг етакчи инвестиция институтларидан бири – BlackRock компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлеси билан учрашди. Музокара-ларда инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналиш-лари, илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳамда компаниянинг Ўзбекистондаги страте-гик лойиҳаларда иштирок этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давосдаги тадбирлар доирасида давлатимиз раҳбари Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан ҳам учрашув ўтказди. Унда ушбу етакчи молия институти билан стратегик шериклиكنи янада чуқурлаштириш ва ҳамкорлиكنи кенгайтиришнинг ама-лий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ЕТТБнинг минтақадаги энг йирик ҳамқори бўлиб қолмоқда. Банкнинг мамлакатим-изга киритган инвестициялари ҳажми қарийб 7 милли-ард долларга етган. Фақат 2025 йилнинг ўзида амалга оши-рилган операциялар, жумладан, хусусий секторга йўнал-тирилган маблағлар ҳажми 1 миллиард доллардан ошгани алоҳида таъкидланди.

ЕТТБнинг «яшил» энергетика, транспорт инфратузил-масини модернизация қилиш, экологик дастурлар, молия бозорини ислоҳ қилиш ва тадбиркорлиكنи ривожланти-ришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди. Шунингдек, жорий йил учун ҳамкорликнинг устувор йўналишлари – хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмавий лойиҳалар ва темир йўл транспортини рақамли трансфор-мация қилиш каби масалалар белгилаб олинди. Аёллар ва ёшларни замонавий касблар ва бизнес кўникмаларига ўқи-тиш дастурларини давом эттиришга алоҳида эътибор қара-тилди.

Тинчлик кенгаши Низомини имзолаш маросими доира-сида Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республ-икаси Президенти Илҳом Алиев ва Венгрия Бош вазири Вик-тор Орбан билан мулоқот ўтказди. Дўстона руҳда кечган суҳбатда ўзаро манфаатли ҳамкорлиكنи кенгайтириш, шу-нингдек, кўп томонлама форматларда, жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик истиқбол-лари муҳокама қилинди.

22 январь куни Шавкат Мирзиёев Давос шаҳрида Тинч-лик кенгаши Низомини имзолаш маросимида иштирок этди. АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтган тадбирда Аргентина, Арманистон, Бахрайн, Болгария, Ин-донезия, Иордания, Марокаш, Мўғулистон, Озарбайжон, Парагвай, Покистон, Қатар, Қозоғистон, Саудия Арабис-тони, Туркия, Венгрия ва бошқа давлатлар раҳбарлари, бош вазирлари ҳамда ташқи ишлар вазирлари қатнашди.

Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш, кўп қиррали ҳамкорлиكنи қўллаб-қувватлаш ва можароларни сиё-сий-дипломатик йўл билан ҳал этишга қаратилган устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Янги тузилма БМТ Хавф-сизлик Кенгаши резолюцияси билан қўллаб-қувватланган Ҳазо секторидagi можарони тугатиш бўйича комплекс ре-жани амалга ошириш доирасида шакллантирилди.

Кенгаш можаронинг янада кескинлашуви хавфини ка-майтириш, Ҳазо секторидида иқтисодий ва ижтимоий тикла-ниш учун шароит яратишга қаратилган бўлиб, фаровон иқтисодиёт ва тинч ҳаётга эга Янги Ҳазони барпо этиш, истиқболда Фаластин давлатини тузиш имкониятларини кенгайтиради.

Низомни имзолаш орқали Ўзбекистон Тинчлик кенга-шини таъсис этган давлатлардан бирига айланди. Бу мам-лакатимиз кенгаш фаолиятида изчил иштирок этишга, барча таъсисчи давлатлар ва халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда унинг ваколатларини амалга оширишга тайёр эканини аниқлатади.

Давосда бўлиб ўтган тадбирлардаги иштирок якун-лангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Цюрих халқаро аэропорти орқали Тошкентга жўнаб кетди. Бу ташриф ташқи сиёсатда Ўзбекистоннинг янги глобал мувозанат излаётган дунёда фаол, жавобгар ва ишончли иштирокчи сифатидаги ўрнини яна бир бор мус-таҳкамлади.



Ушбу QR код орқали давлатимиз раҳбарининг Давосдаги тадбирлардаги иштироки билан батафсил танишинг.



Дунё глобал институтларга бўл-ган ишонч аста-секин еми-рилиб бораётган бир паллага кирди. Тўғри, улар ҳамон ишла-япти: мажлислар ўтказиляпти, резолюциялар қабул қилиняпти. Бироқ инсоният олдида турган гло-бал хавф-хатарларнинг олди олина-дими, сайёрамизнинг ҳали у, ҳали бу нотинч ҳудудларида аланга ола-ётган урушларни ким ва қандай тўх-татади, деган энг оғриқли ва дол-зарб саволларга жавоб топиш борган сари мушкул масалага айланыапти. Уларга муносабат билдириляпти-ю, тўхтатиш механизмига келганда, бирон-бир жўяли таклиф берилма-япти.

Ана шундай бўшлиқ, расмий тар-тиб-таомилларнинг бюрократик тў-сиқлари натижасида ўтган йил сен-тябрь ойда Дональд Трамп ташаб-буси билан Тинчлик кенгашини тузиш гоёси пайдо бўлди. АҚШ Пре-зиденти бу йил январь ойи бошла-рида дунёнинг 60 та мамлакат етак-чиларига, шу жумладан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга Яқин Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш ва можароларни ҳал этишга қара-тилган халқаро ташаббусга қўши-лиш ҳақида расмий таклиф юборди.

Ушбу ташаббус 2025 йил 29 сен-тябрда эълон қилинган ва жаҳон етакчилари томонидан қўллаб-қув-ватланган Ҳазо низосини тўхтатиш бўйича Комплекс режага, шунинг-дек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2025 йил 17 ноябрда қабул қилин-ган 2803-сонли резолюциясига асос-ланади. Ташаббуснинг асосий ун-сури тинчлик, барқарорлик ва хавф-сизлиكنи таъминлаш учун узоқ муддатли жавобгарлиكنи ўз зимма-сига олишга тайёр давлатларни бир-лаштирувчи янги халқаро тузилма – Тинчлик кенгашидир.

Ўзбекистон Республикасига маз-кур кенгашга таъсисчи давлат сиф-атида қўшилиш таклиф этилди. Давлатимиз раҳбари АҚШ Прези-дентига йўллаган жавоб мактубида Ўзбекистон Тинчлик кенгашига таъ-сисчи давлат сифатида қўшилишга тайёр эканини билдирар экан, ушбу ташаббусни Яқин Шарқда кўп йил-лардан буюн давом этиб келаётган можароларни ҳал этиш ҳамда глобал миқёсда тинчлик ва барқарорлиكنи таъминлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолади.

Бу гоё, шубҳасиз, инқироз маъ-сули, лекин уни асло тасодиф деб бўлмади. Чунки у бўш ерда пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизлири бир вақтнинг ўзида кечаётган турли па-раллель жараёнларга бориб таъа-лади. Биринчи жараён жамоавий хавфсизлик механизмлари инқи-рози билан боғлиқ. Энг аввало, Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти кўп қиррали ва узоқ давом этаётган ҳар-бий можаролар шароитида самарали фаолият олиб боролмаяпти. Агар ана шундай йирик халқаро институтлар дунёдаги муаммо ва зиддиятларни ўз вақтида ҳал эта олганида эди, эҳтимол, Тинчлик кенгашини тузиш гоёси ҳам туғилмасди. Шахсият-ларга таянган сиёсатнинг кучайиши билан боғлиқ иккинчи жараёни эса барчамиз кўриб турибмиз. Сўнгги пайтларда минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга эга қарорлар узоқ давом этадиган институтларро келишув-ларни четлаб ўтиб, айрим етакчи-ларнинг сиёсий иродаси билан қа-бул қилиняпти. Учинчи жараён эса халқаро муносабатларда бошқарувга

хос, деярли корпоратив ёндашувнинг кенгайишидир. Бундай шароитда са-марадорлик легитимликдан, тезкор-лик эса анъанавий тартиб-тамоийл-лардан устун қўйилади.

Албатта, ҳозирча Тинчлик кенга-шини БМТга муқобил тузилма деб бўлмайди. У БМТ ваколатларини тў-лиқ бажариш ниятидан йироқ, ак-синча, қўшимча амалий механизм сифатида фаолият юритишни мақ-сад қилган. Унинг фалсафасига кўра, дунёдаги зиддиятлар кучайган ХХI асрда универсал институтлар ҳаддан зиёд оғир ва секин ҳаракат-ланувчи кучга айланди. Шу боис па-раллель форматлар – торроқ, мосла-шувчанроқ ва энг асосийси, шахслр иродасига таянган механизмлар за-рурати юзага келди.

Шу нуктаи назардан олиб қара-ганда, Тинчлик кенгашининг таъсис ҳужжатларида Council ўрнига Board атамаси қўлланилаётганида ҳам мантиқий асос бор. Яъни, Council ту-шунчаси маслаҳат, коллектив муҳо-кама, тавсиявий қарорлар, дебат, резолюция, муножаатларга мойил-лиكنи аниқласа, Board бошқарув ва назорат функцияси устуворлигини, мажбурий ва амалий қарорлар, жа-вобгарлик ва ресурс тақсимотини, корпоратив ва менежмент ман-тигини тақозо этади.

Хуллас, Council – «мулоқотга ки-ришади, муҳокама қилади, лекин ҳар доим ҳам натижа талаб қил-майди». Board эса «қарорлар қабул қилади, ресурс ажратади ва натижа талаб қилади». Ана шундай дипло-матик майда-чўйдаларда кенгаш-нинг тахминий шакл-шамойилини илгаш мумкин: Тинчлик кенгаши чексиз баҳс-мунозаралар майдони эмас, қарорлар қабул қила оладиган бошқарув органи сифатида тасаввур қилиняпти.

Тинчлик кенгаши архитектураси аниқ масъулият тамойили асосига қурилган. Тузилма марказида раис туради. У – кенгаш ишини муво-фиқлаштирувчи ва ҳаракатга келти-рувчи субъект. Унинг атрофида эса доимий аъзолардан иборат ижроия кенгаши шаклланади. Бу кенгаш сиёсий салмоқ, молиявий ҳисса ва можаролардан кейинги бошқарувда масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик асосида тузилади.

Шу ўринда энг кўп баҳс-муноза-раларга сабаб бўлаётган масала – иштирок учун белгиланган 1 мил-лиард долларлик молиявий бадал ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш за-рур. Аслида, ушбу бадал нафақат са-расал воситаси, балки интизом ме-ханизмидир. Чунки аъзолик рамзий иштирокдан ташқари реал ресурс-лар ва амалий жавобгарлиكنи ҳам талаб қилади.

Шу боис кенгашга таъсисчи дав-лат сифатида қўшилиш таклифи сўнгги йилларда ё фаол воситачилик дипломатиясини намоён этган, ёки қатъий блокка асосланган схемалар-дан стратегик жиҳатдан мустақил эканини кўрсата олган давлатлар раҳбарларига юборилди. Улар ора-сида Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Жа-нубий Осиё мамлакатлари, шунинг-дек, Лотин Америкаси ва Шарқий Европанинг айрим давлатлари бор. Демак, Тинчлик кенгаши анъанавий «буюк давлатлар клуби» ҳам, умум-жаҳон ассамблеяси ҳам эмас, у фақат амалий ҳаракатга тайёр давлатлар-нигина бирлаштиради.

Кенгаш Низомининг Давосда им-золаниши ушбу мавҳум гоёнинг

аниқ сиёсий лойиҳа сифатида шакл-ланиш нуктасига айланди. Хужжатга имзо қўйган давлатлар учун бу анъа-навий ва ортиқча расмийчиликка таянган институтларни четлаб ўтиб, глобал кун тартибига таъсир кўр-сатиш имкони, можаролардан кей-инги тикланиш, инфратузилмавий ва гуманитар лойиҳаларда иштирок этиш, энг муҳими, тинчлик йўлида сармага киритишга тайёр давлат сиф-атидаги сиёсий капитал дегани-дир.

Шу нуктаи назардан олиб қара-ганда, Ўзбекистоннинг кенгашга таъсисчи давлат сифатида қўши-лиши ҳамда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шахсий роли алоҳида аҳамият касб этади. Низом-нинг Ўзбекистон Президенти томо-нидан имзоланиши – пухта ўйлан-ган, узоқни мақсад қилган қарор. Бу мамлакатимиз сўнгги йилларда ташқи сиёсатда изчил олиб бораёт-ган йўлнинг мантиқий давомидир. Зеро, Ўзбекистон геосиёсат объекти бўлишдан воз кечиб, кескин ҳаракат-ларсиз, эҳтиёткорлик билан ўз субъ-ектлигини шакллантириб борапти.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг дунёдаги ишончли ҳамкор давлат-лардан бири сифатидаги обрў-эъти-бори ортиб борапти. Глобал бекарор-лик даврида ишонч – энг камёб ресурс ва бу, шубҳасиз, энг катта ютуқлари-миздан бири. Қолаверса, давлати-миз раҳбари сўнгги салкам ўн йил ичида Ўзбекистон ҳақидаги халқаро тасаввурни буткул ўзгартаришга му-ваффақ бўлди. Ўзбекистон ёшиқ ва эҳтиёткор давлатдан мулоқот, воси-тачилик ва минтақавий мувофиқла-шув майдонига айланди. Афғонистон йўналишидаги фаолият, Марказий Осиё саммитлари, халқаро иқтисодий форумлардаги иштирокнинг барчаси радикал шиорларсиз мураккаб можа-ролар билан ишлаш оладиган давлат сиёсийлини яратди.

Шу боис Ўзбекистоннинг Тинч-лик кенгашидаги иштироки жаҳон сиёсатида ўзгача қабул қилиняпти. Мамлакатимиз бу форматга мўъта-диллик, мувозанат ва музокара мада-ниятини олиб киришга умид бил-дириляпти.

Фалсафий нуктаи назардан, ушбу стратегия немис социологи, файла-суф, тарихчи ва сиёсий иқтисодчи Макс Вебер таърифлаган «жавобгар-лик этикаси»га яқин. Макс Веберга кўра, ҳаётда, айниқса, сиёсатда, фақат мукаммал ва безавол идеал-ларга таяниб иш кўриб бўлмайди. Инсон ўз ҳаракатларининг «ақлан қа-бул қилинадиган» оқибатларини ўла-чаб кўриши, адолат ёки умумий эъгу-ликка эришиш йўлида баъзан «яхши бўлмаган», ҳатто «ёмон» воситалар учун ҳам жавобгарлиكنи ўз зимма-сига олишга тўғри келишини тан олиши керак. Мақсад билан восита ўртасидаги ана шу кескин, мурак-каб мувозанат жавобгарлик этикаси-нинг моҳиятини ташкил этади. Бу ерда гап абстракт тамойилларга кўр-кўрона эргашиб ёки шафқатсиз реал-изм эмас, балки ҳар бир қадам оқи-батини яхши англаб ҳаракат қилиш ҳақида бормоқда. Ўзбекистон БМТ-дан воз кечмаяпти, бироқ унинг чек-ловларига ҳам кўз юммаяпти. Яъни давлатимиз ўз ташқи сиёсатида кўпвекторлик тамойилига асослан-япти. Замонавий геосиёсатда ай-нан шу ёндашув етуклик белгисига айланыпти.

Марказий Осиё учун бу қадам тарихий бурилиш нуктасига ай-

22 январь куни Давос шаҳрида бў-либ ўтган маросимда Ўзбекистон билан биргаликда Тинчлик кен-гаши Низомига қўйидаги давлат-лар вакиллари имзо чекдилар:

- АҚШ;
- Бахрайн;
- Марокаш;
- Аргентина;
- Арманистон;
- Озарбайжон;
- Болгария;
- Венгрия;
- Индонезия;
- Иордания ;
- Қозоғистон;
- Косово;
- Покистон;
- Парагвай;
- Қатар;
- Саудия Арабистони;
- Туркия;
- БАА;
- Мўғулистон.

ланиши мумкин. Узоқ йиллар да-вомида ташқи кучлар тўқнашуви майдони, катта ўйинчилар страте-гисидagi «оралиқ ҳудуд» сифатида қабул қилинган минтақанинг ўз иро-даси, овози ва сиёсий сезгиси шакл-ланыпти. Ўзбекистон ҳамда Қозоғис-тоннинг янги глобал форматдаги иштироки Марказий Осиё давлатла-рининг ҳам умумбашарий қарорлар ҳаммуаллифи бўла олишини яна бир бор исботлади.

Умуман олганда, Тинчлик кен-гаш атрофида кечаётган жараёнлар жаҳон сиёсатидаги бўшлиқларни яққол кўрсатиб қўйди. Бошқа давр учун яратилган эски қонун-қондалар бугун иш бермаяпти. Янгилари эса энди-энди шаклланыпти. Айнан шу паллада глобал сиёсат йўналишини энди ким белгилай олади, деган жиддий савол пайдо бўлади. Жавоб эса оддий. Уни ана шундай мураккаб вазиятда ҳам масъулиятдан қочмай-диган давлатлар кун тартибига қўя олади.

Зиддиятни кучайтириш осон, аммо бошқариш қийин. Босим ўтқа-зиш мумкин, лекин ишончни мажбу-ран ўрнатиб бўлмайди. Шу маънода, замонавий дунёда ҳақиқий устушлик – куч-қудратдан ташқари мураккаб мувозанатни ушлаб тура олиш қоби-лиятида ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон айнан шу йўлни – дунёда кечаётган глобал жараён-ларда фаол иштирок этиш ҳамда масъулиятнинг бир қисмини ўз зиммасига олиш йўлини танлади. Ва айнан шу мезонлар бўйича баҳо-ланса, Ўзбекистоннинг бугунги тан-лови нафақат ҳозирги, балки кел-гуси халқаро сиёсатдаги ижобий ўзгаришларга ҳам муносиб ҳисса қўшса, ажаб эмас.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.
Абу Али ибн Сино

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

<<< 1

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган анжуманда худудларда сув спортини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг натижалари ва селекция ишлари самардорлигини ошириш, уларни навбатдаги мусобақаларга мукаммал тайёрлаш, қилинаётган ишлар ва ҳудудлардаги иншоотларнинг ҳолати таҳлил қилинди. Худудий вакиллар ҳозирги ҳолат, мавжуд инфраструктура, спортчи ва мураббийлар таркиби юзасидан атрофлича ахборот беришди ва тегишли топшириқлар олишди.



Динара ИБРАТИМОВА,
синхрон сузиш бўйича миллий терма жамоа бош мураббийи:

– Биз учун бултур барқарор ривожланиш ва халқаро майдондаги мавқени мустаҳкамлаш босқичи бўлди. Спортчиларимиз халқаро мусобақалар, Жаҳон кубоги босқичлари, қитъавий чемпионатлар ҳамда нуфузли турнирларда қатнашдилар. Айниқса, ўсмирлар ва ёшлар таркиби чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Хусусан, дастурларни янгилашга, ҳар бир спортчида индивидуал ёндашишга ва тайёргарликни халқаро қоидаларнинг замонавий талабларига мослаштиришга интилдик. Бу ўз самарасини бериб, жамоа янада рақобатбардош бўлди, спортчилар эса, психологик жиҳатдан чиқишдилар. Ҳар бир ютуқ ортда машаққатли меҳнат, интизом ва фидойилик ётади. Бу саъй-ҳаракатлар давлат даражасида қўрилиб, қадрланаётгани спортчиларга илҳом бағишлаб, мотивация бермоқда. Давлат, тегишли тузилмалар ва спорт жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватлов кейинги муваффақиятлар учун мустаҳкам замин яратади. Бизнинг мақсадимиз бепта – рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқени янада мустаҳкамлаш. Бу йўлда жамоанинг барча тажрибаси, билими ва салоҳиятини ишга соламиз.

Ҳожиакбар ЎРОҚОВ,
касаба уюшмалари спортчиси:



– Кичиклигимдан спортнинг пара-пауэрлифтинг турига қизиқман. Яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтаётган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келяпман. Айниқса, ўтган йил мен учун омадли бўлди. Дубайда бўлиб ўтган V Ёшлар Параолимпия ўйинларида 97 кг. вазн тоифасида 150 кг. тошни қўтариб, қумуш медалга сазовор бўлдим. Қоҳирада бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккита олтин медални қўлга киритдим. Спорт мактабимизда шуғулланишимиз учун барча шароитлар мавжуд. Биздан кунт ва иштиёқ, ҳаракат бўлса, бас Келгусида ҳам жаҳон чемпионатларида, паралимпия мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқимиз ишончини, албатта, оқлайман. Фурсатдан фойдаланиб, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизга ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Муҳокамалар давомида истиқболли спортчиларни танлаб олиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, терма жамоаларни ривожлантиришнинг узоқ мuddатли моделини шакллантиришга доир асосий масалалар қўтарилди. Конференция якунида ўтган йили жаҳон арналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган «Uzbekistan Aquatics» федерацияси спортчилари ва мураббийлари муносиб тақдирланди. Сув спорти бўйича миллий терма жамоалар бош мураббийларига «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йили» эсдалик нишони топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг байдарка ва каноэда эшак эшиш, параолимпик (КАНОЭ), хоккей, юнон-рум кураши, бокс, пара-пауэрлифтинг, оғир атлетика спортчилари ҳамда мураббийларига ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг пул мукофотлари берилди.

Ўз мухбиримиз



Жасур СОЛИХОВ олган суратлар

Соҳа фидойилари

68 ёшни қаршилаган Бахтиёр Дадажоновнинг ҳаёти касаба уюшмаси билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат фаолиятини 1984 йил Фарғона политехника институтида ўқитувчиликдан бошлаган отахон 1992–1998 йилларда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ташкилий бўлим мудирини, 1998 йилдан 2014 йилгача раис ўринбосарини, 2014–2025 йилларда эса Фарғона политехника институтининг касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида фаолият юритди. Ҳар доим бошқаларга ёрдам беришни, яхшилик қилишни ўзининг биринчи галдаги вазифасига айлантирган.



«БУТУНГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН БЕҲАД ҚУВОНАМАН»

– Устозларим «Бирон-бир муаммо билан келган ходимнинг мушқулини осон қилиш, унга ёрдам бериш сенинг бурчинг», деб ўргатишган, – дейди Бахтиёр Дадажонов. – Уларнинг панд-насихатлари бўйича иш тутдим. «Касабақўм муаммоимни ҳал қилиб беролмади», деган таъини ўзимга эп кўрмадим. Ҳар қандай вазиятда ҳам меҳнаткашларнинг мушқулини енгиллаштиришга интилдим. Масалан, бирлашма раиси ўринбосарини вазифасида ишлаб юрган кезларим ишчилар асосан моддий ёрдам ва «путёвка» сўраб мурожаат қилишарди. У вақтларда сиҳаттоху оромгоҳлар кам эди. Борларининг ҳам шарт-шароитлари ҳаминқадар бўлган. Хуллас, йўлланма олишнинг ўзи бўлмасди. Лекин бир иложини топардик. Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Ҳозир касаба уюшмаси ҳисобидан саёхатга бормаган, йўлланма билан тасарруфдаги сиҳатгоҳларда да-

воланмаган ходимлар кам топилади. Касабақўм ўтган давр кунда оларкан, бугунги кунда ташкилотда янги давр бошланганини фахр билан сўзлайди. – Айниқса, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил қилингани оромгоҳларга қайта ҳаёт бағишлади, – дейди у. – Ёпилиб кетиш арафасида турган оромгоҳлар қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Федерация ташаббуси билан Сўх туманида 200 ўринли «Сўх», Фарғона туманида яна шунча ўринли «Билимдон» оромгоҳлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани чинакамга тарихий воқеа бўлди. Касаба уюшмаси раиси сифатида бундай ютуқлардан қувонаман. Б.Дадажонов Фарғона политехника институтида касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият юритган пайтда ҳам ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қи-

лиш, уларнинг соғлигини тиклаш ва фарзандлари оромгоҳларда дам олишини таъминлаш ишларига алоҳида ёндашди. Том маънода, ходимларнинг ҳақиқий суянчигига айланди. Хусусан, унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ишчи-ходимларнинг фарзандлари учун университет қошида оромгоҳ ташкил этилди. Б.Дадажонов бугунги кунда университетнинг Механика-машинасозлик факультети Транспорт воситалари муҳандислиги кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишламоқда. Мухтасар айтганда, умрининг асосий қисmini меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бағишлади. Меҳнатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб баҳолалиб, 2019 йил «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

1211
эшитди...

АЛИМЕНТ – РАҚАМ ЭМАС, БОЛАНИНГ ҲАҚИ

Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи Мадина Қўшшаева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га шу масалада мурожаат қилди. Унинг айтишича, турмуш ўртоғи Сардор Саъдуллаевдан алимент ундириш мақсадида вилоят Мажбурий ижро буюрсидан амалий ёрдам сўраган. Кўп ўтмай, «Алимент ундирилди» деган мазмунда расмий хат олган. Аммо маблағлар унинг қўлига етиб келмаган.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ижро ҳужжати 2024 йил 9 январда Ўзбурдон тумани Мажбурий ижро бюроси бўлими томонидан қабул қилиниб, қонун талабларига мувофиқ, иш қўзғатилиб, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига асосан, тегишли қарор чиқарилган. Аммо қарздор алимент тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган. Шу боис 2024 йил 2 февраль кунин унга нисбатан хорижга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш чораси қўлланил-

ган. Шунингдек, қарздор номида мавжуд мол-мулк ва эҳтимолий даромад манбаларини аниқлаш мақсадида МИБ портали орқали тегишли идораларга сўров хатлари юборилган. Бу алимент ундириш жараёни нақадар мураккаб иш эканини англатади. Муаммонинг энг оғриқли жиҳати шундаки, ҳужжатларда «Ижро қилинди», дейилган маълумотлар бўлса-да, аслида ундирувчи маблағни олмаган. Бу эса фуқароларда давлат органларига нисбатан ишонч сусайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг саъй-ҳаракати билан қарздордан аёл фойдасига 11 миллион 500 минг сўм алимент қарзи ундириб берилди. Хотин-қизлар ва болалар манфаатлари билан боғлиқ масалаларда фақат ҳуқуқий механизмлар билан чекланиб қолмасди жонив. Бундай мурожаатлар тегишли идоралар томонидан масъулият билан қўриб чиқилиши шарт.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

«ҲАРГИЗ ИЛТИМОСТА КУНИНГ ҚОЛМАСИН»

Заврабод тумани тиббиёт бирлашмаси IT оператор ҳамшираси Феруза Ўринова Соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 7 апрелдаги қўрсатма хати мазмунидан хабар топгач, роса қувонди. Чунки қўрсатмада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги тегишли фармони асосида IT оператор ҳамшираларига иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда устама тўловлари бериш белгиланганди.

Аммо ҳамширанинг қувончи узоққа чўзилмади. Бойси, тиббиёт бирлашмаси

масъуллари турли важлар билан устама тўланишини кечиктира бошлашди. Орадан 9 ой ўтгач, Феруза Ўринова «қуруқ» илтимос билан устама ололмаслигига ишонч ҳосил қилди ва ҳамкасблари Ф.Қуванова, Д.Қувондиқова ҳамда Н.Худоёрова билан биргаликда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат этишди. Ўз навбатида, касаба уюшмаси фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритди. Шундан сўнг масала судда қўриб чиқи-

либ, Ф.Ўриновага 18 миллион 233 минг сўм, Д.Қувондиқовага 20 миллион 67 минг сўм, Н.Худоёровага 14 миллион 378 минг сўм, Ф.Қувановага салкам 17 миллион сўм миқдориди устама ва маънавий зарар ундириб, бериш, қолаверса, келгусида ҳам устама тўлаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Давлат божи ва почта харажатларини ҳам туман тиббиёт бирлашмаси қоплашига тўғри келди.

Хуллас, мурожаатчиларнинг талаблари тўлиқ қондирилди.

Мелитожи ЯКУБОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси

Ўқув

БИЛИМГА ТАЯНИЛСА...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши ўқув-семинар ташкил этди.

Касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ҳамда бошланғич ташкилотлардаги масъул ходимларнинг билим ва малакасини ошириш қўзланган ўқувда кенгаш раиси ўринбосари Хўришд Халилов сўзга чиқиб, касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда, шунингдек, йил мобайнида тизимда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари, иш режалари, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш, ижросини таъминлаш, умумий йиғилишлар ва конференциялар ташкил этиш каби масалаларга эътибор қаратилди. Шу аснода бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида устав талаблари асосида иш юритиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, меҳнат муҳофазаси, иш жойларида хавфсиз ва соғлом шарт-шароитлар яратиш, мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий сўғурта, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш масалалари юзасидан батафсил тushунтиришлар берилди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ҳуқуқ

Касаба уюшмаси аралашгач...

Яқинда Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши кураш маркази акушер-гинеколог Нигора Мирзоевнинг мурожаатига биноан, иш жойида жамоатчилик назорати ўтказдик.

ХОДИМЛАРГА УСТАМА ТЎЛОВЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўрганишлар мобайнида бир қанча камчиликлар аниқланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида»ги низом талабларига асосан, ходимларнинг мутахассислиги бўйича иш стажига қўшимча устама ҳақлари тўлаб бориш белгиланган. Шунингдек, ҳукуматнинг 2012 йил 18 октябрдаги қарорига биноан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 15-бандида ўриндошлик асосида ишловчиларга меҳнат ҳақи, мукофот, қўшимча ҳақ, устама, рағбатлантириш тўловлари шакли ва тизими ташкилотнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилиши қўзда тутилган. Бироқ Н.Мирзоева ва бошқа 25 нафар ходимга қўшиб берилган қўшимча ставкалар узлуқсиз иш стажига киритилмаган ва ички ўриндошлик учун бериладиган устама маблағлар бир неча йиллар давомида тўланмаган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 6-моддасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқига ва улардан фойдала-

нишда тенг имкониятларга эгаллиги, ходимларнинг ишчанлик қобилиятига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб, меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмаслиги қўрсатиб ўтилган. Марказнинг 2022–2024 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасида ҳам ўриндошлик асосида ишловчиларга ойлик маош, мукофот, қўшимча ҳақ, устама, рағбатлантириш тўловларини чеклаш ҳақида ҳеч қандай қўрсатмалар йўқ.

Юқоридагиларга асосан, марказ раҳбариятига Н.Мирзоева ва 25 нафар ходимнинг манфаатларини қўлаб, қўрсатма хати киритилди. Аммо иш берувчи маблағларни тўлашдан бўйин товлади. Пировардида ходимларнинг устама пулларини мажбурий тартибда ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво-ариза киритдик. Суднинг ҳал қилув қарори билан вилоят ОИТСга қарши кураш марказининг 26 нафар ходими 305 миллион 414 минг сўм устама ҳақи ундириб берилди.

Бекмирза УМАРОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА БЎЛСАНГИЗ...

Бугун куруқ сўзлар эмас, амалий ишларгина самара беришини, шароит яратилса, тадбиркорлар сафи кенгайишини, фақат янги иш ўринлари очиш орқали чет элда ишлаётганларни юртга қайтариш, одамлар турмуш фаровонлигини юксалтириш мумкинлигини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси яққол кўрсатмоқда. Ана шундай янгиланишлар сабаб яқингача саноати қоқоқ, етарли имкониятлар мавжудлигига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги ривожланмасдан қолаётган Зарбдор тумани айни кунда қатор соҳаларда етакчига айланган.

Аниқ мисоллар билан айтидиган бўлсак, ўтган йили ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги йўналишларида илғор лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш, мавжудларини кенгайтириш ҳисобига 16 минг 600 та иш ўрни яратилди. Хорижий инвестиция эвазига «NATH BIO-GENES CA» МЧЖ қўшма корхонаси, «Zarbdor Parranda», «Jizzax organik» масъулияти чекланган жамияти каби саноат қувватларида 100,9 миллион долларлик 16 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Биргина «Miramiller» МЧЖ Афғонистонга йилга 2 миллион АҚШ доллари миқдорда ун экспорт қилмоқда. «Jahongir waters» МЧЖ 10 миллионд сўмлик чанқовбосди ва маъданли ичимлик ишлаб чиқаради.

5 минг донга гўштбоп товуқ парваришланадиган «Zarbdor parranda» МЧЖ балиқ ва парранда учун озуқа тайёрлашни йўлга қўйди. «Biznes Plast» корхонаси биноларда иссиқлик ва товуш изоляциясини таъминловчи пенофол ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Умуман олганда, туманда 191 та саноат корхонаси ҳамда 1 минг 498 та тадбиркорлик субъекти

фаолият кўрсатмоқда.

Яна бир маълумот: ўтган йили фермерлар саъй-ҳаракатлари билан 91 тонна пилла, 32 минг тоннадан зиёд галла, 36 минг 400 тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Ўз навбатида, Италия, Россия, Афғонистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистонга 36,7 миллион АҚШ доллари қийматида саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспорт қилинди.

Зарбдорда аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратил-япти. Хусусан, ўтган йили «Янгиобод» маҳалласида 11 та иссиқхона барпо этилиб, гул етиштиришга киришилди. Натижада хонадон соҳиблари ҳар бири 60-80 миллион сўмдан даромад олишга эришди. Томорқа билан боғлиқ ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 та маҳаллада 6 та қудуқ қовлашиб, оқар сув учун 9,2 километр узунликда лотоклар ётқизилди.

Одамлар турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирлар ҳам изчилик билан амалга ошири-ляётир. Жумладан, «Нурафшон» маҳалласида жами 8 километр узун-

ликдаги 15 та қўчага шағал ётқи-зилди. 500 метрлик пиёдалар йўлаги барпо қилиниб, 1 та электр трансформатори, 120 та темир-бетон устун, 2 та газ тақсимлаш пункти ўрнатилди. 6 та трансформатор, 8 километрлик электр тармоғи, 7 километрлик табиий газ қувири таъмирланди. 8 километрлик сув, 350 метр узунликда газ тармоқлари пайдо бўлди.

«Тинчлик» маҳалласидаги Ёшлик кўчаси куну тун ишлайдиган савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга кўнгилочар манзилга айлантирилди. Алишер Навоий маҳалласида эса стол теннис маркази очилди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси асосида 12 та ҳудудда йўлларга асфальт ётқизилди, мактабгача таълим муассасаси, қўшимча ўқув биноси, спорт зали қурилди.

Халқимизнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ушбу эзгу ишларда Зарбдор тумани прокуратурасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, 2025 йилда соҳа вакиллари қўмағида 158 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади, яна 41 нафар ишбилармон тўхтаб қолган фаолиятини тиклади. Бево-сита бизнинг ташаббусимиз билан ташкил қилинган меҳнат ярмаркаларида 116 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 75 нафар шахсни касб-хунарга йўналтирдик. Тадбиркорлик қилмоқчи бўлган 44 кишига кредит ажратилишга қўмаклашдик. 10 дан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини молиялаштиришда юзга кел-

Гўзал кунлар келишини кутма.
Унга томон бормоғингни унутма.
Жалолиддин Румий

Кўзгу

ган муаммоларни бартараф этдик.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, қонунбузарликларнинг олдини олиш масалалари ҳам доимий эътиборимизда. Хусусан, айни вақтда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январдаги «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини оммага етказиш ҳамда унинг туманда самарали ижро этилишини таъминлаш устида иш олиб борапмиз.

Бошланган 2026 йилда зарбдорликлар иқтисодиётда янада юқори марраларни кўзлашяпти. Чунончи, бу йил экспорт ҳажминин 139 миллион АҚШ долларига етказиш, 920 та микролойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6 минг 494 та иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. 286 гектар зарбдорликнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш ҳамда унинг туманда самарали ижро этилишини таъминлаш устида иш олиб борапмиз.

6 та маҳаллада 66 та иссиқхона қуриш, 172 гектар томорқадан самарали фойдаланиш чоралари қурилади. Қисқаси, Зарбдор аҳли юрт равнақи йўлида фидоийлик кўрсатмақда астойдил бел боғлаган. Аминманки, бу эзгу ишларда прокуратура ходимлари фаол қатнашади.

Равшан МАШАРИПОВ,
Жиззах вилояти Зарбдор тумани прокурори

Профилактика

Аҳоли ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, турли хил фавқулодда вазиятлар, хусусан, ис газидан заҳарланиш, ёнгин каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан 31 январигача юрти-мизда «Хавфсиз хонадон» ойлиги ўтказилмоқда.

«ХАВФСИЗ ХОНАДОН» ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Унинг доирасида фуқароларнинг хавфсизлик қоидалари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, профилактик тадбирларни манзилли ҳамда самарали ташкил этиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу мақсадда ҳар бир маҳалла мавжуд хавф-хатар даражасидан келиб чиқиб, «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга ажратилди.

Айниқса, фавқулодда вазиятлар юз бериш эҳти-моли юқори бўлган «қи-зил» ва «сарик» тоифадаги маҳаллаларда тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда хонадон-бай профилактик назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Бужараёнда аҳо-лининг ис газидан заҳарланиши, ёнгин ҳамда газ билан боғлиқ хавфларни

барвақт аниқлаш ва барта-раф этишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Ойлик давомида аҳоли ўртасида хавфсизлик ма-даниятини шаклланти-риш, фуқароларни эҳтиёт-корликка чақириш, оддий, аммо ҳаётинг муҳим қоид-аларга риоя этиш зарурли-гини тушунтириш асосий вазифалардан бири ҳисоб-ланади.

«Хавфсиз хонадон» ой-лиги доирасида олиб бо-риляётган профилактик тадбирлар аҳоли ҳаётини асраш, кўнгилсиз ҳолатлар-нинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Санжар ЭРКИНОВ,
Қарши тумани ФВБ ФВПБ инспектори, лейтенант,
Бахтиёр ЖўРАЕВ,
Қарши тумани ФВБ хизматчи ходими

ХОЛАНГИЗНИНГ ХУЛОСАСИ ШУ...

Яқинда Қибрайда яшайдиган синглимни-кига бордим. Тошкентда ўтган 25 йиллик ҳаётим-нинг беш-олти йили уникида кечган. Қизи ҳамда эгизак ўғиллари Ҳасан ва Ҳусаннинг болалик онларига шунчаки гувоҳ бўлибгина қолмай, уларни фото ва видеоларга муҳрлаб қўйганман.

Йиллар ўтиб, миттигина болажонлар улғайди. Кат-таси бутун 17 ёшга, кичиклари эса 13 ёшга тўлмоқда. «Боланинг беғонаси бўлмайди», деган гап нақадар тўғри эканига жиянларимга боқиб, ишонч ҳосил қи-ламан.

Дастурхон атрофида гурунглашиб ўтирар экан-миз, тўсатдан қўёвимизнинг аммаси қазо қилгани ҳақидаги нохуш хабар келди ва орага оғир, қайғули сукунат чўмди.

Ҳа, ўлим кутилмаганда, ҳеч кимга ҳисоб бермасдан келади. Бу ҳам биз учун ҳаётинг бир сабоқ. Шундай са-боқки, яқинларимизни улар триклигида қадрлаши-миз, ўлгандан кейин дол-вой солиб йиғлашдан фойда йўқлигини англашимиз керак. Шодлик ва қайғу ён-ма-ён юриши қанчалик ҳақиқат-а?!

ЖАВОБ: Конституция-да никоҳ тузиш ихти-ёрийлиги ва у томон-лар розилиги асосида амалга оширилиши шартлиги қатъий белгилаб қўйилган. Шунинг-дек, Оила кодексининг тегишли талабларига мувофиқ, никоҳ ту-зиш ихтиёрий бўлиб, бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бў-лиши жоиз. Демак, бундан англ-лашладаки, никоҳ тузишга мажбурлаш тақиқланади. Оила кодексидан никоҳ ту-зиш ўн саккиз ёш этиб бел-гиланган. Фақат узрли сабаб-ларга кўра (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаё-қатли, деб эълон қилиниши (эмнансация), тегишли тар-тибда никоҳ ёшнини кўпи би-лан бир йилга камайтириш мумкин.

Қонунда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, на-

ҚАРИНДОШГА ТУРМУШГА ЧИҚИШНИ ИСТАМАЙМАН

сл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндош-лар, хусусан, туғишган ва ўғай ака-укалар, опа-сингил-лар, шунингдек, фарзанд-ликка олувчилар билан фар-зандликка олинганлар ўр-тасида никоҳ тузилиши тақиқланади.

Ушбу тақиқдан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш ло-зимки, агар сизни насл-насаб шажараси бўйича тўғри ту-ташган қариндош бўлган шахсга турмушга беришмоқчи бўлса, бу қонунга зид ҳаракат ҳисобланади.

Яна шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, мажбуран ту-зилган никоҳ суд тарти-

бида ҳақиқий эмас, деб то-пилиши мумкин. Қонунла-римизда хотин-қизларни турмуш қуришга мажбурла-ганлик учун жиноий жавоб-гарлик ҳам кўзда тутилган.

Баён этилганларга кўра, сиз аввало, маҳалла оқсоқоли ва бошқа жамоатчилик фаол-лари қўмағида ота-онангизга қонун талаблари ва жавобгар-лик тўғрисида тушунтири-шингиз лозим. Улар фикри-дан қайтмаса, ҳақ-ҳуқуқла-рингизни ҳимоя қилишни сўраб, ваколатли органларга мурожаат қилишингиз мум-кин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ва дунёқарашига эга етук шахс бўлиб ривожланишига ёрдам беради. Албатта, телефондан ҳам, интернет-дан ҳам ўз ўрнида, турли тилларни, хунарларни ўрганиш, билимлар олиш учун фойдаланиш керак. Лекин фақат вақт ўтказиш, олди-қочди видеоларни томоша қилиш учун фойдалансанг, жуда кўп нарсани йўқотилади.

Бугунги шиддатли даврда инсон ҳар кунини олдинга интильмаса, дунёдан орқанда қолиб, ўз ҳолига ўрала-шиб қолаверади. Биз ҳар кунини овқатланамиз, мия ҳам шунақа, у ҳам ҳар кунини озиқланиши керак. Миянинг «таоми» эса китобдир.

Мен ҳар сафар келганимда, сизларга маслаҳат бе-риб кетаяман. Хулоса чиқариш ўзингиздан. Менинг хо-лалик вазифам сизларга тўғри йўлни кўрсатиш, холос. Биз катталар сизларга бера олмаган билим ва ўғит-ларни яхши китобларни ўқиб, билиб олишингиз мум-кин. Энг муҳими, шукри бўлиб яшанг. Чунки шукрли инсон бу ҳаётнинг ва соғлиғининг қадрига етади, нег-матларни увол қилмайди. Бир-бирингизга меҳрли бў-линг. Зеро, меҳр – ризқни ва баракани орттиради.

Назира БОЙМУРОВА,
журналист



Бугунги кунда инсоният технологик жиҳатдан мислсиз ютуқларга эришмоқда. Алоқа воситалари такомиллашиб, ма-софалар қисқарди, ахборот алмашинуви тезлашди. Шу билан бирга, жамиятда жиддий ва хавфли бир ҳолат, яъни ёлғиз-лик эпидемияси кучайиб бормоқда. Бу одамлар орасида яшаб, дардқаш тополмаслик, минглаб алоқаларга эга бўлиб, чинакам яқинликдан мосуво бўлишда кўринмоқда.

Куйида унинг тарқалиш сабаблари, ижтимоий ва руҳий оқибатлари ҳамда ечимлари ҳақида сўз юрита-миз.

Аввало, бу тушунчани аниқлаб олиш лозим. Ёлғизлик атрофда одам йўқлиги эмас, балки инсоний яқинлик етиш-маслиги оқибатидир. Одамзод гавжум жойда, оила бағрида, ишхонасида бўлса ҳам, ўзини ёлғиз ҳис қилиши мумкин. Ёлғизликнинг айнан мана шу турдагиси кенг тарқалмоқда. Чунки замонавий ҳаёт тез-лиги инсонни суҳбатдан, тин-глашдан, ички алоқалардан узоқлаштирмоқда.

Эпидемиянинг асосий са-бабларидан бири рақамли ҳаёт тарзидир. Телефон ва ижти-моий тармоқлар мулоқотни осонлаштиргандек туюлади, аммо улар кўпинча юзаски алоқаларни кўпайтириб, чуқур муносабатларни камайти-ради. Ёзишмалар реал суҳбат ўрнини боса олмайди. Чунки ёзма мулоқотда оҳанг, нигоҳ, сукут ва ҳиссий алоқа йўқо-лади. Гарчи одамлар дилдан суҳбатлашаётгандек кўри-на-са-да, аслида бир-бирини ҳис қилмайди. Бу ички бўшлиқни кучайтиради.

Иккинчи муҳим сабаб за-монавий жамиятдаги индиви-дуализмнинг кучайишидир. «Ўзингни ўйла», «Ўзинг учун яша», «Ҳеч кимга қарам бўлма» каби қарашлар аста-секин онг-га сингиб бормоқда. Албатта, шахсий мустақиллик яхши, бироқ у ҳаддан ошса, одамлар бир-бирдан узоқлашади. Ҳам-жиҳатлик, қўллаб-қувватлаш, далда бўлишининг қадри пасая-ди. Инсон ўз муаммоси билан ёлғиз қолади, ёрдам сўрашни заифлик деб билади.

Яна бир омил оила ва жамоавий мулоқотнинг суяйишидир. Бугун қўллаб оилаларда суҳбат камайган. Ота-она банд, фарзанд эса ўз дунёси билан овора. Бир том остида яшаб, бир-бириндан бе-хабар оилалар сони ортмоқда. Бундай муҳитда ўсган бола кейинчалик жамиятга мосла-шишга, йўлини топиб кетишга қийналади.

Эпидемия оқибатлари жуда жиддий. Энг аввало, бу ҳолат руҳий саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Тушқунлик, асабийлик, ишончсизлик, ҳа-ётдан норозиликни келтириб чиқаради. Одам ички оғриқ би-лан яшайди, лекин уни бўли-шадиган ҳамроҳ тополмасиз. Оқибатда унда муросасиз-лик, жаҳлдорлик, сабрсизлик кучаяди.

Сирасини айтганда, меҳр ва ишонч камайган жойда мус-

таҳкам жамият барпо этиш қийинлашади. Демак, у шах-сий муаммо бўлиб қомай, ижтимоий хавф даражасига кўтарилади.

Эпидемияга қарши нима қилиш мумкин? Аввало, муам-мони тан олиш керак. Бу ҳақда гапириш уят ҳам, заифлик ҳам эмас. Аксинча, бу жамиятни соғломлаштириш йўлидаги би-ринчи қадамдир. Иккинчидан, мулоқот маданиятини қайта тиклаш зарур. Суҳбатга вақт ажратиш, тинглашни ўрга-ниш, телефонни четга қўйиб, инсон билан юзма-юз бўлиш оддий, аммо самарали чора-дир.

Оила ва маҳалла даража-сида жонли мулоқотга эътибор кучайтирилса, қўллаб ёлғиз-лик ҳолатларининг олди оли-нади. Кичик суҳбатлар, са-мимий саволлар, бефарқ бўл-маслик жамиятда илиқлишни қайта уйғотди. Чунки инсон кўпинча катта ёрдамга эмас, эшитилишга муҳтож. Бир том остида яшовчи ота-она фар-занди билан кўпроқ суҳбатла-шиши, тинглаши, бобо ва бу-виларнинг улар билан кўпроқ вақт ўтказиши, миллий қадр-иятларимиз бўлган ўзгаларга яхшилик қилиш, меҳр-оқи-бат каби инсоний туйғуларни, дўст орттириш, эл ичиде бў-лиш, «ўзганин дарди менинг дардим», деган тушунчаларни онгига синдириши ижобий натижа беради.

Ёшлilғимизда улуглар-нинг «Кўшнидан ҳол сўраб ту-рибсанми?», «Дўстининг кайфияти тушкун, уни йўқлаб тур, ёлғиз қолдирма», «Кўпроқ эл билан бўл» каби насихат-лари қулоққа кўп чалинади. Ёки ёлғиз қариялар бўлса, маҳалла-қўй «Иссиқ-совуғи-дан тез-тез хабардор бўлиб ту-райлик», деб уларни яккалаб қўймаган. Ҳашар йўли билан уйини тартибга келтиришган, томорқасига қарашган.

Ёлғизлик эпидемияси бу-гунги замонавий жамиятнинг энг жиддий, аммо эътибордан четда қолаётган муаммолари-дан биридир. Технология ва тезкор ҳаёт инсонни қулайлик билан бирга беписандликка ҳам олиб келмоқда. Агар унга бефарқ қарашда давом этсак, эртага жамият янада ажрал-ган, руҳий таназзулга учраган ҳолга келади. Шундай экан, ёлғизликни фақат шахсий му-аммо деб эмас, умумий масъу-лият сифатида қўришимиз ло-зим. Унга қарши инсонийлик, суҳбат ва меҳр билан курашай-лик.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сир-дарё вилояти кенгаши жамоаси вилоят кенгаши раисин-нинг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилнавоз Саидовага отаси

Фазлиддин МАМАТҚУЛОВ
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.

Абу Райҳон Беруний

Мушоҳада

«ОРТИҚЧА ДАХМАЗА» ДЕБ БИЛМАНГ

чунки меҳнат шартномасисиз фаолият ҳуқуқий ҳимоясизлик деганидир

Олти қиз ва ёлғиз она. Хонадоннинг тўнғич фарзанди бўлиш масъулияти уни эрта улғайтирди. Онасининг елкасидаги оғир рўзғор юкини бир оз бўлса-да, енгиллатиш мақсадида аёллар кийими дўконига ишга кирди. Етти ой давомида ҳар тонг умид билан ишга отланди. Ҳалол меҳнати эвазига топган даромади тирикчиликнинг кам-кўстига яраб, оилага қувонч олиб кирди. Аммо қутилмаган бир ҳодиса барча режаларни остин-устун қилиб юборди. Иш жараёнида баланд тоқчага рўлмол тахлаш чоғида мувозанатини йўқотиб, пастга йиқилди. Оқибатда оёқ суяги сингани боис шифохона каравотига михланиб қолди.

Шифокорлар бир ой давомида ҳаракатланмасликни ва оёқ суяги тикланиши учун қатъий дам олишни тайинлашди. Аммо кизга жисмоний оғриқдан қўра, «Энди оиламизга ким ёрдам беради?» деган савол азоблроқ эди. Иш ҳақини сўраб корхонасига кўнгироқ қилганида эса қутилмаган жавобни эшитди: «Сенга берадиган пулимиз йўқ. Ишчи кучи етишмаяпти, ситига-устак, нархлар кескин пасайиб кетди. Шу боис ҳеч қанақа ойлик берилмайди. Бугундан ишдан бўшатилдинг».

Дарвоқе, охирги пайтларда минглаб ёшларимиз меҳнат шартномасини «ортиқча дахмаза» деб билиб, ҳуқуқий ҳимоясиз меҳнат қилмоқда. Ҳолбуки, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бандлик сиёсати тўғрисида»ги Конвенцияси ҳамда миллий қонунчилигимиз ҳар бир ходим муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлишини кафолатлайди. Меҳнат шартномаси тузилмаган бўлса, у на кунлик иш ҳақини, на даволаниш учун зарур бўлган ижтимоий ҳимояни талаб қила олади. Бу эса норасмий бандлик ишончсиз эканини англатади. Айниқса, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат шартномасисиз, «яширин» ишлаш ҳолатлари ҳануз долзарблигича қоляпти.

РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

2026 йил 19 январда Президентимизнинг «Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. У бошқарувни замонавий асосларда ташкил этишга қаратилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, қарор билан ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларини bosқичма-bosқич аҳолига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатувчи «сервис бўлинмалар»га айлантириш, давлат хизматларини рақамлаштириш, шахсга доир маълумотларнинг тўғрилigi ва ишончилигини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали ахборот тизимларида хавфсизлик ва киберхавфсизликни таъминлаш каби вазифалар белгиланди. Шунга қўра, 2026 йил 1 майдан бошлаб, эксперимент тариқасида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида биттадан туман (шаҳар) ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бў-

линмаларида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имконияти яратилган, сунъий интеллект асосида фаолият юритадиган «Ақлли» миграция шоҳобчалари (Smart migration stations) ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, қарорга мувофиқ, миграция, меҳнат ва рақамлаштириш соҳаларида бир қатор амалий енгилликлар ва замонавий бошқарув механизмлари жорий этилмоқда. Хусусан, жорий йилдан эътиборан, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Аввало, 1 майдан Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига электрон кириш визаси асосида ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар-

нинг визаларини бир марта 30 кунгача узайтириш ҳуқуқи берилмоқда. Бу хорижий меҳмонлар, инвесторлар, мутахассислар ҳамда талабалар учун ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, уларнинг мамлакатимизда қонуний ва қулай яшashi учун шароит яратди.

Шунингдек, чет эл фуқароларига ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани расмийлаштириш ваколати ҳам тўлиқ равишда департаментга ўтказилмоқда. Шу тариқа чет эл ишчи кучи билан боғлиқ жараёнлар марказлаштирилиб, уларни расмийлаштириш тезкор ва шафдоф тарзда амалга оширилади.

Навбатдаги муҳим масала – ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларига қўшимча штат бирикларни киритиш ҳуқуқи берилиши натижасида чет эл фуқаролари таълим олаётган муассасалар ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган корхона-ташкилотлар билан шартнома асосида, улар маблағлари ҳисобидан миграция бўлинмаларига қўшимча штатлар киритиш имконияти берилмоқда. Бу хизматлар сифатини

ошириш, навбатлар ва кечикишларни камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб талабалар ётоқхонасига жойлашиш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади. Яъни, талаба ётоқхона билан шартнома тузгани ҳамона автоматик равишда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади. Бу талабалар учун ортиқча ҳужжатбозликни кескин камайтиради.

2026 йил 1 февралдан жисмоний шахсларга идентификацияловчи ID-карта биринчи марта расмийлаштирилганда, унинг чипига киритиладиган электрон рақамли имзо (ЭРИ) сертификати бепул берилади. Шу билан бирга, фуқаро «Электрон ҳукумат» тизимида автоматик тарзда бепул рўйхатдан ўтказилади. Бу давлат хизматларидан фойдаланишни янада осонлаштириб, рақамли хизматлар қамровини кенгайтиради.

Умуман олганда, мазкур қарор миграция жараёнларини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, давлат хизматларини очиқ ва қулай қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, давлат хизматлари кўрсатишда ортиқча қорозбозликка барҳам беришга, навбатлар қисқаришига, вақт ва маблағ тежаллишига, коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Акрамжон ХУЖАМОВ,
адвокат

Оғриқ тишлар

ШЕРАЛИ БЕКМУРОДОВ 5 ЙИЛ МУҚАДДАМ ФАЛОКАТГА УЧАДИ. ОҚИБАТДА ТЎШАККА МИХЛАНИБ, ТИЛДАН ҚОЛДИ. ЯҚИНЛАРИ БАХТСИЗ ҲОДИСА САБАБИНИ ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИКНИНГ НОСОЗЛИГИДАН КЎРИШДИ.



ЭСКИ КЎПРИК ҚАЧОН ЯНГИЛАНАДИ?

Зеро, Шерали ўша кунги мотоциклда келаётганида тўсатдан кўприкнинг бетон қопламаси кўпорилиб тушган ва у дарёга қулаган. Қаттиқ лат егани боис бугун ногиронлик аравачасида...

Дехқонобод туманининг Чашмаи Мирон қишлоғи тоғ ёнбағрида жойлашган. Туман марказидан 50 километр олисдаги мазкур ҳудудда ўзбек ва тожик миллатига мансуб аҳоли ҳамжиҳатликда турмуш кечириб келмоқда. Улар сўнгги йилларда бўлаётган ободонлаштириш ишларидан миннатдор. Аммо биргина кўприк муаммоси орқали юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан қаттиқ хавотирланмоқдалар...

– Қишлоғимизда оилавий поликлиника, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси қурилди, туман марказига олиб борувчи йўлнинг маълум қисми асфальтлаштирилди, – дейди Самад Мустафоев. – Фақат битта масала ечим топмади. У ҳам бўлса, қишлоқ ўртасидан оқиб ўтувчи Кичик ўра дарёси устига ўтган асрнинг саксончи йилларида ҳашар йўли билан қурилган кўприк анча эскириб қолган. Ёғочдан тиклангани боис ёгингарчилик вақтларида хавфли ҳолатларга сабаб бўляпти. Мурожаатимиздан мақсад – янги кўприк қурилса, яхши бўларди.

Бу қадимий қишлоқда Бухоро амири Амир Олимхон даврида айнан шу жойда кўприк барпо этилган. Сабаби, қишлоқ оралаб ўтган ички йўл ўша вақтда Сурхондарёнинг Бойсун тумани орқали ҳудудни Душанбе шаҳри билан боғлаган. Бу ер ҳам савдо-сотик учун муҳим аҳамият касб этган. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида тарихий кўприк қулагач, аҳоли мазкур кўприкни барпо этган. Лекин йиллар ўтган сари у ҳам абгор ахволга келиб қолган.

– Кўприкнинг таянч устунлари нимжонлашган, ёғочлари чириган, бетон қопламалари ёрилган, – дейди Нуриддин Одинаев. – Кўп ташкилотларга мурожаат қилдик, натижа бўлмади. Ёгингарчилик вақтлари дарёга сел келади. Қор ёққанида юза қисмини муз қоп-

лайди. Автомобиллар ҳаракати қийинлашади. Асига олиб, пишиқ лойиҳа асосида қурилмагани учун ҳимоя устунлари ўрнатилмаган. Эшитиб, кўриб-билиб юрибмиз, туманимизнинг кўплаб ҳудудларида кўприк қуриляпти ва бу хайрли иш бизнинг қишлоғимизни ҳам четлаб ўтмайди, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, ўтган йили Дехқонобод туманида 40 га яқин катта-кичи кўприк таъмирланган ва қайта қурилган. Маҳаллий масъуллар туман тоғли ҳудуддан иборат бўлгани боис қишлоқларда кўприк билан боғлиқ муаммолар ечимини топиб келаётганини таъкидлашди.

– Чашмаи Мирон маҳалласидаги Кичик ўра дарёси устидаги кўприк юзасидан кўплаб мурожаатлар келиб тушган, – дейди туман Ободонлаштириш бошқармаси бўлими бошлиғи Фарҳод Чориев. – Ҳақиқатан ҳам, кўприк таъмирталба. Биз янги кўприк қуришни давлат дастурига киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, юқори турувчи ташкилотларга тақдим этганмиз. Бундай муаммо «Боғчорбоғ», «Чилгаз» маҳаллаларида ҳам бор. Катта маблағ талаб этгани учун дастурга киритилиши мақсадга мувофиқ. Чунки маҳаллий бюджет маблағлари асосида бундай йирик қурилишларни амалга оширишнинг имкони йўқ. Лекин аҳолининг мурожаатлари, албатта, ўз ечимини топади. 2026 йилда Чашмаи Мирондаги кўприк мукаммал таъмирланади ёки қайта қурилади.

Кўриб турибсизки, масъуллар доимгидек давлат дастурига киритишни, маблағ ажратилса, муаммо ечим топшини таъкидлашмоқда. Аҳоли эса кўприк носозлиги сабаб нохуш ҳолисалар рўй беришдан хавотирда. Ўйлаймизки, инсон қадри улугланаётган мамлакатимизда унинг саломатлиги ва ҳаётига хавф туғдирувчи муаммолар мутасаддилар эътиборидан четда қолмайди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Университетда дарс берган устозим телеграмдан ёзиб қолди: «Ассалому алайкум, узр, сизни безовта қилдим. Мана шу карта рақамига 8 миллион сўм ташлаб бера olasизми? Эртага қайтариб бераман».

Устоз ўзига тўқ, кейин бирор гапи бўлса, телефон қиларди, тинчликмикан, дея ўйлаб, сим қоқмоқчи бўлдим. Шу пайт бир дўстимиз боғланиб, дарров сўради. – Домладан сизга ҳам хабар келдимми? – Келди, энди ўзи билан боғланмоқчи бўлиб тургандим. – Ишонманг. Бу фирибгарларнинг ўйини. Шунчаки доманинг номидан ёзиляпти. Машҳур ва ҳурматли одамларнинг телеграм аккаунтини бузиб кириб, шу усулни қўллашяпти. Майли, бошқаларни ҳам огоҳлантирай, сиз ҳам дўстларга тезроқ етказинг. Қўйиб қолишмасин.

Кўп ўтмай, «Диққат! Янги фирибгарлик тури кўпаймоқда!» деган хабарларга қўзим тушди. Бирида ижтимоий тармоқларда «компенсация пули» ҳақидаги рекламалар ортгани, бу киберфирибгарлик экани, шубҳали ҳавоалардан сайтларга кириб, шахсий маълумотларни умуман киритмаслик шартлиги ўқтирилари. Бошқасида эса «Танловда овоз беринг» деб ёзилган сохта ҳавоалар юборилаётгани, хабар

танишингиздан келгандай кўриниши, лекин унга ўтилса, хакерлар аккаунтингиз ва маълумотларга кириш имкониятини қўлга киритиши, ҳатто энг яқин киши ёзган бўлса ҳам аввал кўнгироқ қилиб тасдиқлатиш кераклиги ҳақида сўз борарди.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда фуқароларга телеграм ёки номаълум иловалар воситасида юборилаётган «МИБдан хабар», «банкдан огоҳлантириш», «суд қарори асосида картангиз блокланди» каби мазмундаги мурожаатлар кўпайди. Остига АРР илова бириктирилиб, батафсил маълумотни олиш учун файлни очиб кўриш тавсия қилинади. Хабарлар илк қарашда одатий, ҳатто мантиқли кўриниши мумкин. Чунки МИБ – давлат идораси, банк – молиявий тизимнинг таянчи. Киши давлат номи билан келган хабарга шубҳа билан қарашни ҳам ўзига эп кўрмайди. Айнан мана шу ишонч устаси фаранглар учун энг қулай ниқобга айланган.

Бугун жамият энг хавфли, қуролсиз, шовкин кўтармасдан амалга ошириладиган жиноятга дуч келмоқда. Бу тизим куч ишлатмайди, мажбурламайди, балки ишонтиради. Ишонганлар эса пластик картасидаги пулидан айрилади.

Давлат ташкилоти номи ортига яширинган алдовлар пухта режалаштирилган. Хабар матнлари расмий услубда ёзилади, баъзан ҳужжат рақамига ўхшаш комбинациялар келтирилади, айрим ҳолларда давлат рамзларига ўхшаш белгилар қўлланади. Мақсад битта – одамни шошириш ва фикрлашга вақт бермаслик. «Бугун тўламасангиз, ижро ҳаракати бошланади», «Ҳисобингиз дарҳол блокланади», «Тасдиқлашдан ўтинг» каби жумлалар онгда хавф сигналларини

ёқади. Оқибатда одамлар текширишга улгурмай, юборилган ҳаволани босади ёки иловани юклаб олади.

Айнан шу жойда яширин тизим ишга тушади. Фирибгарлик иловалари ташки кўринишидан оддий бўлса-да, ички механизми жуда пухта. Иловани очган фойдаланувчидан карта маълумотлари, SMS орқали келадиган код ёки телефон рухсатлари сўралади. Кўпчилик буни техник жараён, деб қабул қилади. Аслида эса шу лаҳзада телефон эгаси ўз молиявий хавфсизлигини бегона қўлга топшириб қўяди. Бир неча дақиқа ичнда ҳисобидаги маблағлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

Тизимнинг яна бир жиҳати кўзга кўринмаслигида. Ҳеч қандай синдириш, зўравонлик ёки таҳдид йўқ. Инсон ўз қўли билан эшикни очади. Иловага берилган рухсатлар орқали шоҳидамас, баргида юрадиганлар SMS хабарларни ўқийди, банкдан келган тасдиқлаш кодини қўлга киритади. Уларнинг қурбонига айланганлар, кўпинча, буни кеч англашади.

Ҳодисани оддий фирибгарлик деб баҳолаш камлик қилади. Чунки гап фақат пул йўқотиш ҳақида эмас. Гап бу каби қаллобиклар жамиятнинг давлат ташкилоти ва банк тизимига бўлган ишончини емириши ҳақида бормоқда. Фуқаро МИБ номидан келган хабардан қуйиб қолса, эртага ҳақиқий огоҳлантиришга ҳам шубҳа билан қарайди. Банкнинг расмий билдиришномаларини бепасанд қабул қилади. Бу эса ҳуқуқий тартибга, молиявий интизомга жиддий зарба беради.

Афсуски, бундай воқеалар баъзида кенг жамоатчиликка кеч етиб боради. Кимдир яқинларига айтади, кимдир умумининдамайди. «Мени алдашди», деб тан олишни истама-

ганлар сукут сақлайди. Аммо сукут фирибгарларга хизмат қилишини унутмаслик керак. Чунки огоҳлантирилмаган жамият яна ва яна қурбон бўлаверади. Бугун бир танишимиз маблағидан айрилган бўлса, эртага бу ҳолат бошқа бировнинг ҳам бошига тушиши турган гап.

Билишимиз шартки, юртимизда ҳеч бир давлат идораси ва ҳеч бир банк телеграмдан қарздорликни ундиришни талаб қилмайди, номаълум илова юклатмайди ва шахсий аккаунтдан ёзмайди. Давлат тизими расмий ҳужжат, суд қарори, банк иловаси ёки белгиланган рақам орқали ишлайди. Буларсиз келган хар қандай «огоҳлантириш» – алдовдан ўзга нарса эмас!

Бугун телефон биргина алоқа воситаси эмас, балки банк, ҳужжат, шахсий ҳаёт жамланган «рақамли ҳудуд» ҳамдир. Демак, уни ҳимояламаслик, номаълум иловаларга рухсат бериш – уйнинг эшигини очиқ қолдириш билан баробар иш.

Фирибгарликка қарши кураш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, бу жамиятнинг умумий масъулиятидир. Шундай экан, бундан ҳаммамиз ҳаммиша огоҳ бўлишимиз зарур. Огоҳлик эса ишончли ҳимоя. Акс ҳолда, ёлғон иловалар ва хабарлар ҳаётни ичдан емирини давом этаверади.

Абдусалим РАҲМОНОВ



Илм билан юксалган — юксалади, дейдилар. Зеро, олис тарихда улуг аждодларимиз айнан билим ва заковат, илму фан, таълим-тарбия ва маърифат соҳаларини юксак ривожлантириш ҳисобига икки уйғониш даври — Биринчи Шарқ Ренессанси ва Иккинчи Темурийлар Ренессансига асос солганлар.

Учинчи Ренессанс сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистон учун бу борадаги намуналар ниҳоятда муҳим ва долзарб. Иқтисодиётда илмий мактаб яратган забардаст олим Қаландар Абдурахмонов – Ўзбекистон Фанлар академияси

АКАДЕМИК Қ.АБДУРАХМОНОВ ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА ТАШКИЛОТЧИ ВА КЕНГ ҚЎЛАМДА ФИКРЛОВЧИ РАХБАР, МОХИР ПЕДАГОГ ВА МЕХРИБОН МУРАББИЙДИР. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА БИРИНЧИ ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛИШИГА БОШ-ҚОШ БЎЛГАН.

академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, шунингдек, турли тармоқлар бўйича 6 та нуфузли хорижий академия академиги ҳамдир.

Олим кўп йиллик меҳнати ва чуқур илмий изланишлари асосида иқтисодиёт бўйича жаҳон тан олган «Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали» илмий мактабини яратди. Қ.Абдурахмоновнинг ил-

мий мактабидан ҳозирга қадар 100 нафарга яқин фан доктори ва фан номзоди етишиб чиққан. Дунёнинг турли давлатларидаги шогирдлари унинг раҳбарлигида иқтисодиётнинг долзарб муаммолари бўйича муваффақиятли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, олимнинг янги илмий йўналишлар асосчиси эканига амалий мисоллардир.

Академик Қ.Абдурахмонов илм-фан ва таълим-тарбия ташкилотчиси. Илмий-амалий фаолияти маҳсули бўлган дарслик-лари ва ўқув қўлланмалари, монографиялари ва рисоалари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам юксак қадрланади.

Қаландар ака ўзининг самарали фаолияти билан бутун дунёда Ўзбекистон обрўсини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи олимдир. Унинг раҳбарлигида сўнгги ўн йилда қўлаб халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Олимнинг «Меҳнат иқтисодиёти»

дарслиги мамлакатимиздан ташқари Буюк Британия, Россия Федерацияси, Индонезия, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатларда ҳам қайта-қайта нашр этилмоқда. Ушбу китобнинг камини кириш сўзи ёзган инглизча нашри

иқтисодиёт йўналишидаги қўлаб хорижий давлатлар олий ўқув юртларида асосий дарслик сифатида ўқитилмоқда. Айниқса, Индонезия, Малайзия, Германия ва Россия Федерациясида нашр этилган дарсликлари халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган.

Академик Қ.Абдурахмонов лидерлик қобилиятига эга ташкилотчи ва кенг

Муваффақият фақат интилувчан одамгагина насиб қилади. Қийин шароитда тушқунликка тушадиганларни эса жуда кам йўқлайди.

Жавоҳарлаъл Неру

қўламда фикрловчи раҳбар, моҳир педагог ва меҳрибон мураббийдир. Ўзбекистон тарихида биринчи хорижий олий таълим муассасаси – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали очилишига бош-қош бўлган.

Хитойлик улуг файласуф Конфуций юксак инсоний фазилатларга ҳамда лидерлик қобилиятига эга бўлганларни харизматик, яъни «феноменал инсонлар» деб атаган. Қаландар ака ҳам ана шундай инсонлар тоифасига қиради.

Академик Қ.Абдурахмоновнинг миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳаётга самарали татбиқ этишда хизматлари гоят катта. Бу ҳақда сўз борганда, жонқуяр олимнинг бугунги кунда ҳам таълим соҳасидаги интеграция алоқаларини ривожлантириш бўйича ташкилий ва инновацион фаолиятга, иқтисодиёт фани ва амалиётни равнақ топтириш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Қ.Абдурахмонов қўлаб илмий-услубий асарлар муаллифи ҳамдир. Уларнинг умумий ҳажми 1600 босма табоқдан ошади. Шунингдек, олимнинг ўзбек, рус, инглиз тилларидаги йирик илмий монографиялари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари чоп этилган. Академикнинг инглиз тилидаги илмий асарлари ҳақида фикр юритганда, хусусан, «Labor market and employment problems» каби китобларини таъкидлаш ўринли.

Қаландар ака раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртида ўтиладиган дарсларнинг 40 фоизи инглиз тилида олиб борилади. Буларнинг барчаси таниқли иқтисодчи олимнинг китоблари нафақат Ўзбекистон, балки АҚШ, Германия, Индонезия, Малайзия, Россия, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларда ҳам иқтисодиёт фани ривожланишида муҳим саналишдан далолат беради.

Олим юртимизнинг олис ҳудудларида

Хотира

расига бағишлаб Мангу олов мемориал мажмуаси ҳам барпо этилган. Бу келажақ авлод учун чинакам ибрат мактабидир.

3-умумтаълим мактабида фаолият юритаётган «Ватан таянчи» отряди сафига эса йигирма нафар ёш ҳарбий уюшган бўлиб, улар мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб келишмоқда. Яқинда бу ерда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда отряд аъзоларидан Завра Зубайдуллаева, Жавоҳир Ҳолов, Шалолла Ҳасорова мазмунли чиқишлар қилиб, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи қўшиқлар қуйлашди. Отряд томонидан «Ватанпарварлик» ойлнги ўтказиш ҳам мунтазам йўлга қўйилган.

– Фарзандимиз Ватан тинчлиги ва осойишталиги ҳамма нарсадан муҳим эканини яхши англарди, – дейди Қўтлуғжоннинг онаси Шоира Раҳмонова. – Дарсдан бўш вақтларида ҳарбийлар, айниқса, чегара посбонлари ҳақидаги бадиий китобларни ўқиб, фильмларни томоша қилар, расмлар чизарди. Бугун у гарчи орамизда бўлмаса-да, қалбимизда яшамоқда.

Абдулла САИДОВ

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

2008 йилнинг кузи. Қўтлуғжон ўзига билдирилган ишончни сидқиидилдан адо этиш асносида ноконуний йўллар билан юртимиз чегараларини бузиб киришга уринган жиноятчиларга қарши курашди. Қонунбузарларни қўлга олиш чоғида у қахрамонларча ҳалок бўлди...

У 2009 йил 14 январда «Жасорат» медали билан тақдирланди. Номини абадийлаштириш мақсадида у тугилиб, вояга етган маҳалла «Қўтлуғбод» деб номланди.


Ўшандан буён тоғ бағридаги мўъжазгина, шинам уйдан Қўтлуғжоннинг синфдош ўртоқлари ва қадрдонларининг қадами узилмайдди. Улар Шоира аяни ёлғизлатмай, ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаб, ишларига ёрдамлашадилар. Маҳалладаги қўни-қўшнилару мактаб ўқувчилари ҳам тез-тез ке-

либ туришади. Болалар Қўтлуғжон сингари мард ва жасур йигит бўлиб улғайишни истадилар.

Кези келганда айтиш жоизки, Қўтлуғжоннинг ота-онаси Абдуманноп ака ва Шоира опа узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бериб, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилган. Ҳозир улар пенсияда, кексалик гаштини суришмоқда.

Тумандаги 3-умумтаълим мактабида унинг хотирасига бағишлаб махсус бурчак ташкил этилган ва бюсти ўрнатилган. Унда чегара қўшинлари ҳаётини акс эттирувчи стендлар, буклетлар ва қўлаб фотосуратлар мавжуд. Йигирма олти йил умр кўрган жасур посбоннинг онасига йўллаган мактублари ҳам ўша ерда сақланади.

Туман марказида Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган мард ва жасур Қўтлуғжон Раҳмонов хоти-



Марокли дам олинг, азиз газетхон!

Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ижросида

«Аввалги ёрларни» қўшиғи

Гаҳи согин, не бўлди, зорларни, Унутмагил аввалги ёрларни.

Захриддин Муҳаммад Бобур газали



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarī tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqt – 23:30
Topshirildi – 00:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Шахсий фикр

тиб туришади, холос. Чипталар нархи эса баланд, ўртача 60 мингдан 650 минг сўмгача. Ҳолбуки, биз пул тўлаб кирдикми, шунга яраша жонли қўшиқ эшитишимиз керак.

Президент фармонида кўра, 2024 йил 1 январдан хонандалар, 2026 йил 1 январдан бошқа қўшиқчилар даромад солигини декларацияга кўра тўлашлари белгиланди. Санъаткорларнинг кўпчилиги уларни тўламаслик учун даромадларини яширишади. Аммо 2025 йил 1 апрелда АОКАда ўтказилган матбуот анжуманида Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Мубин Мирзаевнинг маълум қилишича, 2027 йилдан даромадларини яширган барча санъаткорларга нисбатан текширув ишлари амалга оширилади.

Бизнинг ғалати одатимиз бор. Аввалига ўзимиз санъаткорларни улуғлаб, кўкка кўтарамиз, кейин уларнинг хизмат нархи қимматлигидан норози бўламиз. Аслида уларни номи учун эмас, санъати учун қадрлашимиз керак. Шундагина ўз-ўзидан сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Хоҳ тўйда, хоҳ концертда бўлсин, фонограммани чеклаш муаммонинг самарали ечимларидан бири бўлади.

Сиз нима дейсиз, Қозғистондаги каби қонуннинг бизда ҳам қабул қилиниш вақти келмадимикан?

Муродилла УРДУШЕВ,
ЎЗЖОКУ талабаси

Umumiy adadi 35 382 ta

Shundan: 6 788 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 415 nusxasi

«Eruditi» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6